

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

КЕКСАЛАР БОР — ФАЙЗУ БАРАКА БОР...

Қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор.

Ислом КАРИМОВ



Сувратда: Навбатчи шифокор Нигора Усмонова, оромгоҳ директори Лола Йўлдошева (ўртада) ва навбатчи ҳамшира Маҳфуза Мираҳмедова.



Даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари Гулираёно Маҳмудова Эркин ота Бегматовнинг қон босимини ўлчамоқда.



- Биздан фарзандларимизга қоладисани шу дарахтлари боғлар-да, дейишади Миррахим ота Зокиров ва Гулоббой ота Аҳмаджонов.



- Уригидан данаги ширин, дейишгани рост, - дейди Муаззамхон ая Жалолова набираси билан дийдорлашар экан. Енларида сингллари Раҳима ая Абдуллаева.



- Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, - дейди Зухра ая Содиқова Бибисора ая Ғаниевага.

Тошкент шаҳридаги "Нуронийлар оромгоҳи" ҳовлисидаги қийғос гуллаб ётган дарахтлар ора-лаб аста-аста сайр қилаётган, ўриндиқларда уч-тўртта бўлиб суҳбатлашаётган нуронийларга қараб қалбимизда нурли бир сурурни сездик. Фотомухбиримиз отахону онахонларни сувратга тушира бошлади. Халқимизда "Ранг кўр, ҳол сўр", деган нақл бор. Чехраларидан нур ёғилаётган қарияларимизнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик гапни ўтган умрларидан, фарзандлари, набираларидан бошлаб, бугунги нурафшон кунларимизга шукроналар айтишиб дуо қилишарди. «Қарияларни қадрлаш йили»да бизга кўрсатаётган ғамхўрликлари учун Юртбошимизга миннатдорчилик билдираман — танлари соғ, жонлари омон бўлсин, дейди Чилонзор туманилик Муборак ая Юсупова.

Бу ердаги қариялар билан танишиш давомида уларнинг кўп ҳикматли миннатдорчилик сўзларидан баҳраманд бўлдик.

- Оромгоҳимизга Юртбошимизнинг назарлари тушган, дея гап бошлади бош шифокор Лола Йўлдошева. - Аввал бу маскан "Қариялар уйи" бўлган. 1992 йилда Президентимизнинг савий-ҳаракатлари билан "Нуронийлар оромгоҳи" дам олиш масканига айлантирилди. Оромгоҳимиз 220 ўринга мўлжалланган. Қарияларимиз туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларидан берилган бепул йўлланмаларни олиб, 18 кун мобайнида даволаниб, дам олишади. Бизда асосан кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, қаровчисини йўқотган, уруш ва меҳнат фах-

рийлари дам олиб кетишади. Оромгоҳимиз замон талабларига жавоб берадиган усқуналар билан жиҳозланган. Дам олувчиларимиз учун 5 маҳал умумий ва пархезли таомлар тайёрланади. Кутубхонамиз доимий ишлаб турибди. Клубимизда концертлар, ҳар хил мавзудаги суҳбатлар ташкил қиламиз. Тез-тез саёҳатлар уюштирамиз.

- Ҳомий ташкилотлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

- Биз Юнусобод туманида жойлашганимиз учун туман ҳокимияти барча тадбирларимизга бошқош бўлиб туришади. Ҳомий ташкилотларни ҳам Юнусобод туман ҳокимияти толиб беради. Бизга ҳозир Дипломатия институти, 8-автосарой Ҳомийлик қилмоқда.

- Жамоангизда алоҳида ўрнатилган ходимларни тилга олиб ўтсангиз?

- Жамоамиз жуда аҳил, уларни бир-бирдан ажратиб кўрсатгим келмайдию, сўраганингиз учун баъзи бирларини тилга олиб ўтаман. Шифокорларимиздан — Гулираёно Маҳмудова, Марзия Агзамова, ҳамшираларимиздан эса — Хуршида Ҳамидова, Маҳфуза Зокировалар онахону отахонларнинг дуоларини олишмоқда.

Оромгоҳнинг шинам хоналарини айланар эканмиз, дам олувчиларга кўрсатилаётган меҳр, муруватдан кўнглимиз тўлди.

Зеро ёшлигини, бор кучу ғайратини фарзандларининг камолга етиши учун сарфлаган қарияларимиз шундай ҳордиқ чиқаришга муносиб, деган ўй кечди дилимиздан.

Тоҳир НОРИМОВ
Сувратчи: М. МИРСОДИҚОВ



Худойберди ота Саидов (чапдан) ва Суннат ота Хўжаевлар оромгоҳ боғини кезишдан завқ олишади.



Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади, Ҳар баҳор ҳам шу бўлар такрор... Сувратда: (чапдан) Наима ая Саидқосимова, Латофат ая Зокирова ва Нури ая Искандарова.



- Дарахтларнинг шигил гуллаши, кузги тўкинчиликдапи нишондир, - дейди қувонч билан Муҳаммадназир ота Турсунов (чапда) Анвар ота Исмомловага.



- Домла, ҳаётимиз яхшиланиб, яшаш имкониятлари ортиб борган сари узоқ яшашга интилиш ҳам кучайиб бормокда. Шундай экан, узоқ яшаш

хитойлик доктор Ли 150 ёшга кирганда Хитой давлатидан сертификат олади. У 200 ёшга кирганда иккинчи ёрликни олади. У 1933 йилда 256 ёшида вафот этади.

Нигериялик қабила бошлиғи Баун эса 126 ёшида вафот этади. 1993 йили Суриялик эркак 133 ёшида вафот этади. У 80 ёшида тўртинчи марта уйланиб, 9 бола-нинг отаси бўлган. Бу эркакнинг 100 ёшидан кейин ҳам фарзандли бўлганлиги маълум. У Гиннесс китобиغا киргизилган. 1993 йил Аризон штатида уч жуфт одам яқинларидан ажралиб, уч йил давомда алоҳида тайёрланган овқатлардан истеъмол қилиб, тоза сув ичиб, тоза ҳаводан нафас олишадди. Уч йил ўтгач Лос-Анжелесда

йил давомида 29000 одамни турли витаминлар ва минераллар бериб кузатдилар. Витамин ва минераллар икки баробар ошириб берилганда касаллик икки марта камаяди. С витаминни кашф қилган, икки марта Нобел мукофоти совриндори бўлган машҳур олим Алан Пол рак касаллигидан қутулиш учун асосан С витаминини истеъмол қилишни тавсия этади. Кенг тарқалган касалликлардан

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

бири альцгеймер (эслаш қobiliяти йўқолиши) хасталиғи. Бу дард кўпроқ 70 ёшдан ошганларда учрайди. Бундай касалликда витамин Е буойрилади.

УЗОҚ УМР КЎРИШ БАХТИ

омиллари, сир ҳақида нимала дея оласиз?

- Одам танасида ердаги мавжуд элементларнинг ҳаммаси бор бўлиб, улар ўзаро мутаносиб ҳолда тананинг яшаш имкониятларини ташкил қиладди. Ушбу мутаносиблик қанча давом этади, инсон шунча узоқ яшайди. Ҳар кун истеъмол қиладиган овқатимиз ва олаётган нафасимиз орқали танамиз 60 хил минерал, 16 хил витамин, 12 хил асосий аминокислоталар ва протеин ушловчи оқсиллар ҳамда учта асосий ёғ кислоталарини қабул қиладди. Бироқ озиқ-овқатларни тайёрлаш жараёнида, сақлашда, технологик қайта ишлашда витамин ва минералларнинг бир қанчаси камаяди. Бунинг натижасида одам организмдаги модда алмашинуви бузилиб, мутаносиблиги издан чиқади ва умр қисқариши руй беради.

- Домла, инсон тўғри овқатланиб, витамин ва минераллардан етарли истеъмол қилса, қанча умр кўриши мумкин? Бу дунёда бир асрдан ортик умр кўрганлар ҳақида биласизми?

- Инсон энг камида 120—140 ёшгача яшаш мумкин. Тибет ва ғарбий Хитойда узоқ умр кўрганларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, 1677 йилда туғилган

Жаҳон игна билан даволаш ассоциацияси "ICSMART" нинг ҳақиқий авзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Эргаш САЛИМОВ билан суҳбат.

тиббий - геронтолог мутахассислари улар шу тартибда яшасалар 146 ёшга киришлари мумкинлигини хулоса қилиб айтишадилар. Юқорида келтирилган мисоллар инсон тўғри овқатланса, витамин ва минералларнинг турларини тўлиқ олиш имкониятига эга бўлса, камида 120-140 йил яшаш мумкинлигини билдиради.

- Умрни қисқартирувчи асосий сабаблардан бири — турли касалликлар эканлиги маълум. Хасталикларнинг олдини олиш учун қўлланилиши лозим бўлган даволаш усуллари ва чора-тадбирлар ҳақида тўхталсангиз.

- Бугунги кунда ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраси хасталиғи кўп учрайди. Тузалари оғир бўлган, жароҳликка олиб келадиган бу касалликнинг асосий сабабчиси стресс (руҳий сиқилиш) ҳисобланганлиги боис, аввало ана шундай ҳолга тушишдан сақланиш керак.

Рак (саратон) касаллигининг давоси йўқ деб ҳисоблашадди. Бостон онкологик тиббий мактабининг бир гуруҳ олимлари ушбу хасталик кўп учрайдиган Хитойнинг Хинай аҳоли яшайдиган жойида 5

Буйрак тоши хасталиғи экологияси бузилган жойларда кўплаб учрамоқда. Буйракда тош қалқий етишмовчилигидан пайдо бўлади. Мис етишмаслиги оқибатида эластиклигини йўқотган артерия қон томирининг шишиши, сочинг оқариши, териларнинг бужмайиши, кўз оқида қора доғлар пайдо бўлиши (аорта аневризми) содир бўлади.

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, бирор элемент, минерал ёки витаминнинг етишмаслигидан организм аъзоларида турли хасталиклар юзага келади.

- Домла, «Соғлимнинг — бойлигинг» деган нақл бор. Соғлиги жоҳатидан бой бўлиш учун одам нималарга риоя этиши керак?

- Инсон умри давомида соғлом турмуш тарзига амал қилиши керак. Юқорида таъкидлаганимиздек, минерал ва витаминларга бой озиқ-овқатлардан тановвул қилиш, доимий ҳаракатда бўлиш, асаббузарликлардан мумкин қадар узоқда бўлиш лозим.

- Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ

ИККИ ОНА — ИККИ ТАҚДИР

74 ёшда ҳам она ардоғида бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Юнусобод туманида яшовчи Парохат ая Тўхтаева шу бахтга мушарраф бўлган онахонларимиздан бири. У кишининг оналари Раҳбар буви Мансурова 98 баҳор билан юзлашиб турган пиру бадавлат онахон бўладилар. Онахон 57 ёшда бевақт вафот этган ўғилларининг уйда набираларига бош-қош бўлиб қарилк гаштини сураётган эканлар.

Парохат аядан оналари ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилдик.

- Мен ўкимаганман, -дея гап бошладилар онахон. - Инсонда муҳассам бўлган барча яхши хислатларни онамдан олганман. Ота-онамнинг ёшлик даврлари урушга тўғри келган. Муслибат инсоннинг сабр-бардошини синовдан ўтказадди, дейишадди. Ўшанда отам, онамнинг уқаси урушга кетган эканлар. Орадан кўп ўтмай онамнинг уқасидан қора хат келган. Хотини бу жудоликни кўтаролмай касалланиб оламдан ўтибди. Икки ўғил, уч қиз ота-онасиз чирқираб қолаверишибди. Шунда онам: "Укамнинг зурриёдини болалар уйига топширмайман, улар менинг укамдан ёдгорлик", - деб ўз қарамоғига олган экан. Биз беш фарзанд, жаъми ўнча болани шундай йўқчилик, қимматчилик даврида едириш, кийдиришини ўзи бўлади, дейсизми. Отам урушдан ноғирон бўлиб, бир оёкда қўлтиктаёк билан уйга қириб келганлар. Энди ўзингиз кўз олдингизга келтириб кўринг. Ўнча бола, ноғирон эр, бундай оғир кунни ҳар қандай аёл ҳам кўтаролмас керак. Қозонимиз қайнаб-қайнамай, кийимларимизга қирқатч ямақ тушиб кун кечирдик. Барчамизнинг қўлимиздан иш кела бошлаганидан кейин ота-онамизнинг ёнига кириб қолдик. Навбат билан уйли-жоили ҳам бўлдик. Бу ишларнинг бошида ота-онам турдилар. Уларнинг панд-насихатларини олиб кам бўлганимиз йўқ. Менинг онажоним мана шундай меҳридор ёёл.

- Энди ўзингизнинг оилангиз, 74 йиллик умр сабогингиз билан ўртоқлашсангиз.

- Менинг ҳаётим ҳам силлиққина кечмаган. Ота - онамизнинг розичилиғи билан турмушга чиқиб, тўққиз йил Худода илтижолар қилдим, битта тирноқ бермади. Не-не орзу-умидлар билан кириб борган ҳовлимдан қон қақшаб йиғлаб чиқиб кетганман. Дунё кўзимга зим-зиё кўринганди. Ўзимни ишга урдим. Фермага соғувчи бўлиб ишга кирдим. 34 та сигирни уч маҳал соғардим. Бармоқларим толиб, қўлларим увишиб қоларди. Меҳнатим туйғайли элга танилдим. Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ бўларкан. Ота-онамнинг қистови билан яна турмуш кўрдим. Кетма-кет 5 қиз, 1 ўғил кўрдим. Бир томонда иш, бир томонда олтига боланинг тавшиши билан умр қандай ўтиб кетганини пайкамай ҳам қолибман. Ҳозир 32 та набира, 13 та аъварнинг суюкли бувижонисиман. Чолим раҳматлининг умри қисқа экан, болаларни уйли-жоили қилди-ю, тўрт йил бурун оламдан ўтди. Ҳозир кўриб турганингиздек Эргашовим билан бирга тураман. Олти набирам атрофимда гирду капалак. Ўғлимнинг бахти бор экан — келинимдан ёлчидим. Бувижон, деб мени қафтада кўтаради, умрингдан барака тоғур.

Икки она, икки тақдир кечинмаларидан огоҳ бўларканман, беихтиёр шоирнинг куйидаги сатрлари ёдимга тушди:

Шундайлар бўлмас агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

Тоҳир НОРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари,

лиши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда жамиятда оила-ларнинг тутган ўрнини ошириш, оналик ва болалик чора-тадбирларини таъминлаш юзасидан республикада амалга оширилган чора-тад-

КУН ТАРТИБИДА: АЁЛЛАР МУАММОЛАРИ ВА СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Д.Фулмова бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси мудири Т.Норбоева «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибиятлари ҳамда тасарруфидидаги ташкилотларнинг 2002 йилнинг 1-чораги давомидаги натижалари» ҳақида маъруза қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Соғлом авлод» Давлат дастурининг 2002 йилнинг 1-чорагида бажарилиши тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурининг баҳари-

бирлар қайд этилди. Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш; оилавий муаммолар, уларнинг сабабларига бағишланган масалалар буйича Республика соғлиқни сақлаш вазирининг муовини А.Комилов, республика «Маҳалла» жамғармасининг раиси А.Гадойбоев, республика Бош прокуратураси тергов бошқармасининг катта прокурори Н.Ҳафизовлар сўзга чиқиди.

Республикадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оила-лар, аёллар ва болаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаш «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Болалар» жамғармаси ва Хотин-қизлар кўмитаси томонидан амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди.

Қурилган масалалар буйича йиғилишда тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ФАРЗАНДАРИМИЗ СОҒ-ОМОН БЎЛСИН

Куни кеча Республика Болалар жамғармаси ва Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган халқаро хайрия ташкилоти "WORLD CONCERN" ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Шартнома Республика Болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова ва "WORLD CONCERN" раҳбари жаноб Ричард Пеннер томонидан имзоланди. Жаноб Пеннер "Қайси миллат боласи бўлишидан қатъи назар, биз фарзандларимизнинг бахтли турмуш кечирिशлари учун барча имкониятларимизни аямаймиз", - деди.

Ушбу музокарада кўзланган мақсад "WORLD CONCERN"

болалар жамғармасининг фаолиятини кенгайтиришда, ҳар хил хайрия ишларини ўтказишда уларга ҳомийлик қиладди. Ўз навбатида болалар жамғармаси бундай ёрдамни жойлардаги саховатга, моддий кўмакка муҳтож, Меҳрибонлик йилларида тарбияланаётган болаларга етказадди. Яъни инсонларварлик ёрдамини ўз эгаларига етиб боришини таъминлайди. Музокара рок қўламда давом эттиришга келиб боровчи томонлар келгусида

ушбу йўналишдаги ишларни кенг-



роқ қўламда давом эттиришга келиб олишиди.

Н. ЙЎЛДОШЕВА

ФАЙЗЛИ УЧРАШУВ ВА ЙИҒИНЛАР

Яқинда Наманган вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамда унинг Наманган вилоят бўлими ҳамкорлигида «Қарияларни қадрлаш йили» дастури доирасида фойдали учрашув ва йиғинларни ташкил қилди. Бу тадбирларда пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ оlima ва фозила аёллар ҳам иштирок этдилар. Наманган шаҳар «Атаган-гузар» маҳалласида 50 йил ва ундан ортик бирга турмуш қурган оилалар билан ўтказилган учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Раҳимбоева, Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори В. Каримова, Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим мудири Т. Содиков, оlima М. Ёқуббекова, "Оила" марказининг вилоят бўлими директори М. Муҳаммадиева, Наманган шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Мат-

каримовалар республикамизда қарияларга кўрсатилаётган ҳурмат ва гамҳўрлик ҳақида гапирдилар. Обрўли, эътиборли оилалар совғалар, гуллар билан тақдирланди.

Шу куни Тўрақўрғон тумани қишлоқ аёллари билан ҳам учрашув ўтказилди. Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мақсудахон Бегматова туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётида аёлларнинг иштироки ҳақида гапирди. Тадбир ташкилотчилари, пойтахтлик меҳмонлар, туман фаоллари мустақил республикамизда хотин-қизлар, болаларга кўрсатилаётган эътибор ва гамҳўрликлар аёллар-оналарнинг ҳаётидаги ўрни, кадр-қимматини тағин ҳам баланд кўтариш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

БИЗНИНГ ҚЎШНИЛАРДЕК ҚЎШНИ ҚАЙДА БОР?

Қўшничилик яхши бўлса, киши маҳалла кўйда обрў-эътиборда бўлади, завқ билан яшайди. Бизнинг қўшниларимиз ана шундай обрў-эътибор-у завқ билан яшайётган одамлар сирасига киради.

Бир онахонимиз бор. Табиий газ ўчиб қолса, электр қайнаткичлари борлиги учун сувни ўшанда қайнатиб, ҳовлима-ҳовли тарқатиб чиқадилар. Биз хижолат бўлиб: "Бе-корга овора бўлибсиз-да, ўзимиз қайнатиб олардик", - десак, "Овора-си бор эканми, ичаверинглар, яна қайнатиб бераман", - дейдилар. Агар, хамир қориб, зарур ишимиз чиқиб қолса, биронта қўшнимизга айтиб кетаверамиз. Келгунимизча нонни пишириб қўядилар. Турдимурод исми новвой қўшнимиз бор. Хамир қорсак, ўзининг миждозлари бозорда нон қўлиб туришса-да, бизларга ҳам тандир - тандир қилиб нонларимизни ёпиб бериб. Ундан ҳаммамиз миннатдоримиз.

Бундан олти йил муқаддам опамнинг тўнғич ўғли келиб мен ишда бўлганлигим тўғайли ўзимни учратолмай, қўшниларибга укаси Улуғбек 21 ёшида тўсатдан вафот этганини, менинг боришим кераклигини тайинлаб кетади. Мен ишдан қайтиб, рўзгор ишлари билан банд бўлиб, овқат пишириб турганимда бир қўшним келиб, ётиги билан жиянимнинг "хабар"ини етказди. Улуғбек энг яхши кўрган жияним бўлганлиги боис, бу "хабар"дан қарахт бўлиб қолдим. Қўшнинг бир тутам кунлари эмасми, дарров қоронғу тушган, одам ташувчи транспорт қатнови аллақачон тўхтаган эди. Опамникига бориш учун керакли кийимларини тахлай бошладим. Қўшнилари: "Эртага эрта-лаб боринг опангизникига, уйингиздан, болаларингиздан хавотирланманг, биз қараб турамиш", - дейишди. Опамникида "қиймат" бўлиб ётади-ю, мен унинг ёнида бўлмай, уйимда оёқ узатиб ётиб тонг оттира оламаним? 20 километр масофа бор опам билан орамизда. Нима қилишимни билмай, ўз ёғимда қоврилиб турганимда қўшни қизалоқ келиб, "Янга, чикаркансиз, дадам сизни обориб кўяракан", деди. Бир зумда қўшним опамникига олиб бориб қўйдим. Орадан шунча йиллар ўтса ҳамки, бу мурувватни эслаб қўшнимнинг соғ-омон юришини

Оллоҳимдан сўрайман. 1997 йилнинг 14 август кун 13 ёшли ўғлим юк машинасига осилиб, йиқилиб тушади. Ёзнинг жазирама иссиғи эмасми, қўли куйганидан асфальт йўлга ёмон тушади. Орқадан келаётган "Жигули" автомашинаси ўша заҳотиёқ касалхонага олиб боради.

Хабар топгач, тезда йўлга тушдим. Қўшним Раъно ҳам мен билан югурди. Йўлда амакисини кўриб, воқеа-

Турмуш сабоқлари

ни айтдим. Бекатга чиқдик. Такси келиб тўхтади. Таксига қандай қилиб чиққанлигини билмайман. Юзимиздаги саросимини кўриб таксичи нима гаплаганини сўради. Унинг овозини эшитиб, юзига қарадим. Шундагина у қўшнимиз - Маҳмудхон эканлигини билдим. Шаҳримиздаги марказий касалхонага етиб келдик. Чўнтагимдан пул олиб, унга узатдим. У пулни қўлимга қайтариб берди-да, "бунақа пайтда пул олинмайди", - деди. Ўзи эса биздан олдин машинасидан тушиб, касалхона ҳовлисига югурди.

Реанимация бўлими эшигига етганимизда 3-4 киши турганлигини кўрдик. Бир аёл йўғлаб турибди. Мен ҳамширадан: "Авария бўлиб келган бола шу ердами", - деб сўраганим эсимда. У: "У бола ўлди-ку, сиз кими бўласиз?", - дея жавоб берди. "Онаси бўламан", - дебман бақрайиб. Шу тобда гапга тушунадиган ҳолатга эмас эдим, гўё бехуш эдим. Бола, фарзанд деганлари шунчалар меҳрли, азиз бўлар экан-ки, унга бирор зарар етса, ота-она адоий тамом бўлиб қолар экан. Хатто юрагим ҳам тўхтаб қолгандек сездим ўзимни. "Мана-ку ўлган боланинг онаси", - дебди ҳамшира. Мен шунда ҳам қилт этмасмишман. Қўшним Раъно: «Хамшира у бола ўлди-ку, сиз кими бўласиз», деганида Маҳмудхон билан иккимиз қалтираб қолдик. Лекин сизнинг юзингизда ўзгариш сезилмаганидан хайрон бўлдик", - дейди. Бу сўзнинг заълворли юқини боламга нисбатан айтилаётганини эшитмаганим сабаби, бу кўргуликни фарзандимга, яъни тўнғич ўғлимга раво кўрмаганлигим боиси эканлигини энди-энди англаётирман. Худога шукр, ўғлим тиррик экан. Бир неча кундан кейин ту-

залиб чиқди. Шу оғир кунимда ёнимда бўлиб, мендан олдин болам ётган травматология бўлимига бориб, ўғлимнинг палатасига кириб, унинг ахволини билиб, кейин ўз ишига кетган қўшним Маҳмудхон Саъдуллаевдан чексиз миннатдорман. Бундай қўшнилари ҳар қанча мақтасак арзийди. Илоҳим шунақа оқибатли кишилар кўпайсин.

Ҳар ҳафта "Оила ва жамият" газетасини оламан. Қўшнилариб ўртасида бу газета қўлма-қўл бўлиб кетади. Баъзида ҳаммадан охирида ўзим ўқийман. Бундан оғринмайман. Аксинча, уларнинг бу газетга боғлини, сонма-сон кутуб юришларини кўриб суюнаман. Маҳалламизда ҳам одамлар бизнинг аҳиллигимизни кўриб, аввало хайрон бўлишади, кейин қизиқиб қоладилар. "Аҳиллигининг сабабини билдик", - дейишди улар. "Негаки, ўртангизда чақимчилик, ҳасад, ғийбат уя қўймаган экан", - дейдилар яна. Биз бундан беҳад қувонамиз. Ахир, ишдан қарчаб келганимда "яхши келдингизми, қўшним", - дейдиган дардинга мал-ҳам қўшнига не етсин? Бусиз умрининг мазмуни борми? Баҳор келиши билан ён қўшним бугдой ундириб, сумалакка ҳозирлана бошлайди. "Фақат ўзимиз, қўшнилариб пишираемиз сумалакни", - дейман.

Бу кун болаларимиз ҳам роса яйрайдилар. Улар ҳам бизлардан андоза олгандек бир-бирига бирам ахил, бирам меҳрибон асти қўверасиз. Кўчамиздаги ҳамма қишларнинг туғилган куну менга маълум. Туғилган кун соҳибини биттамажз табрикласак бас (айликса болажонларни), ўша кун уларнинг қўли турли-туман ширинликлар-у совғаларга тўлади. Бундан ҳеч ким оғринмайди.

Қизларимизга совчи келгудек бўлса, куёв томон келиб астагина қимлигимизни яқин қўшниларибимиздан сўраб, билиб олади.

Ўғилларимизни уйлантираётганимизда ҳам қиз томон келиб, қўшниларибимиздан бизни сўроқлайдилар. Ахир, у дунёда ҳам кишининг қандай кимса бўлганлигини қўшнилариб билди олинар экан.

Қани айтинг-чи, азизларим, бизнинг қўшнилариб кўшнилариб қайда бор?

София УЗОҚОВА

Шахрисабз шаҳри



ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

● Унга тил одобини ўргатган онасига раҳмат дейман! Қизойим, кўрдингми, дастлаб у онасига раҳмат олиб берди. Иккинчидан, уйдагиларнинг асаби аялиб туради. Қолаверса, унинг катта ютуғи шуки, қўни-қўшнилариб бу келинни жуда ҳавас қиладилар ва ҳурматлайдилар.

● Ой қизим, овозингни кўтарган заҳотинг уйингдан файз кўтарилади. Юзингдан ҳусн кўтарилади. Жуфтингнинг сенга бўлган ихлоси ҳам бир қадар кўтарилади. Болангнинг юзида қулиб турган офтоби сўнади, бу хунук кўрунинингни қабул қилолмай юраги йўғлайди!

Шангиллаб танбеҳ берадиган, шангиллаб қарганадиган аёл ўзи вайрон қилган кўнгилар ичра сеvimли бўламан деб умид қилмасан!

● Билгин, тил киши баҳорга айлантира олади. Бир муаллим билан бирга ишлагандим. (Аллоҳ раҳмат қилсин!) Уруш қатнашчиси эди, шунинг асоратини, бу одам жуда тажарбюрарди. Ўзи гоят ҳалол, ўта покиза кийинадиган, саранжом феълли эди. Аммо озгина ноҳақликни ҳам кўтаролмас, лаҳзада қатнаб, гувилаб кетарди. Разм солсам, у киши кириб келса, айримлар секин туриб кетишга чоғланар, суҳбат ҳам совуғандай бўлар, қайфиятлари бузилиб қолишидан қўрқайётганлари шундоққина кўрунинг турарди. Бу одам ўзини жабрлапти деган ўйга келдим ва унга таъсир ўтказишни ният қилдим!

"Домлажон, ерда юриб келасизми ё учиб келасизми, оёқ кийимингиз ҳеч чанг бўлмайди-я" - дея лутф қилдим бир кун. Бир зум кайфияти дуруст бўлгандай туйилди. У ҳар кун ишга келгач, шляпасини авайлаб ечар, сумкасида ҳаммаша турадиган қоғоз рўмолчалар унинг қирғоқларини астойдил артар ва илиб қўйиб, дўппи кийиб оларди. Дарсдан чиққач, дўппи четларини ҳам яна шундай ихлос билан артиб, сумкага жойларди. Менинг завқим келарди. "Ростини айтинг, сумкангизга қоғоз рўмолчаларни кенно-ийм солиб қўйдиларми ё ўзингизми, бирор сафар унутмаганингизга доғман-да!" - дея гап соламан яна. Домланинг чехралари очилиб кетади. Авваллари у кишини чоига таклиф қилсангиз, харгиз кўнмас, четроққа ўтириволиб, хўрайганча ёзув-чизувини қилаверар эди. Бир кун янги дамланган чойнинг устига домла дарсдан чиқиб қолди. "Зап чикдингиз-да, домлажон, мана шу чойни атайлаб сизга дамлаб турибман", - дея астойдил мулозамат кўрсатдим. "Э, ундок бўлса, ичамиз-да, қизим" - дея яйраб-яшнаб дастурхонга яқинлашди...

Орада у киши бетобланиб, бир-икки кун ишга келмади. Ортидан кўплашиб, ҳол сўрагани бордик, гоят қувониб кетди. Мен аста домланинг рўзгордаги эркакча тутумларига назар солдим ва ҳавасим ортди. Узум новдалари сўртотка моҳирона боғланган, гилос, олма дархатининг шакллари кўрсангиз, зўр стартошининг қўлидан чиққандай! Кафтдаққина ҳовлининг ҳар қарич ерига муҳаббат билан қаралган, деразаларнинг раҳидаги оқ тунукаларни ҳам домла ўзи бошқачасига ўрнатган экан. Ҳаммасини хотирамга тугиб қўйдим.

Шундан кейин ўрнини топиб, ҳали у даврада, ҳали бу даврада домланинг юриш-туришлари, уйдаги гўзал тутумлари ҳақида одамларга завқ-шавқ билан гапирадиган бўлдим, сўртоғини бир таърифласам, гилоснинг мазасини икки таърифлардим. Мен у гапларни атай ўзига эшиттириб айтардим.

Турсуной СОДИҚОВА

"ЎҒЛИ ЙЎҚНИНГ ЎРНИ ЙЎҚ", ЭМАС ЭКАН...

Дадамнинг вафотларига уч йил тўлди. Уч йилдики, биз саккиз қиз онахоним билан бирга дадамни тез-тез хотирлаймиз.

Биз - фарзандлар ҳаммамиз қиз бўлсақда, дадажоним онам ёки бизларни камситганларини эслолмайман. Дадам 50 йил бир жойда ишлаб, ҳалол меҳнатлари билан бизларни боқиб тарбияладилар. Гарчи бизни қиз бола деб бирор нарсадан чекламасаларда, биз чизган чизикларидан чиқмадик. Ота рози - Худо рози деб кимга муносиб кўрсалар — кийим, меҳел хархашасини қилмай турмушга чиқдик.

"Ўғли йўқнинг ўрни йўқ" эмас экан. Барчамиз турмушга чиққач, дадам ва аям ёлғиз қолишганда, эримнинг розиликлари билан биз ёнларига қўчиб келди. Турмуш ўртоғим "дада", "ая" деб дарров улар кўнглини топдилар. Менинг муносибгина опаларим, сингилларим оиладаги нохушликларини ҳеч қачон дастурхон қилиб келишмади. Умр йўлдош-

ларини яхшисини ошириб, ёмонини яшириб келишди. Шу сабабми, умрларининг сўнгига қадар дадам куёвларидан, куёвлар дадамдан кўнгиллари қолмади.

Бугунги кунда хотини кетма-кет қиз туғса, дод деб юборадиган

Хотира — муқаддас

эркаклар ҳақида ўқганимда дадам нақадар буюк инсон, ажойиб падали бузруквор эканликларига иймон келтирмаман.

Бугун бир нимадан қийналсак, бирор муаммо пайдо бўлса дадамни эслаймиз, маслаҳатларига муҳтож бўламиз. Дадамнинг ҳар бир сўзлари, ҳар бир маслаҳатлари оғриқ жойга берилган малҳамдай таъсирли эди.

Боғимиздаги олма-ю - ўриклар дадамнинг оқилона иш тутушлари натижасида келган-кетганга ҳам, дастурхонга ҳам етиб, хатто бозорга ҳам ортар эди. Дадам тайёрлаган туршқоқлар дарров ўз харидорини топар эди.

Қўни-қўшни, наинки улар, бошқа кўчадагилар ҳам излаган нарсасини дадамдан топар эди. Дадам билан аям нафақа ҳисобига кун кечиришган бўлса-да аямнинг у йўқ, бу йўқ деганларини эшитмаганман.

Бугун биз саккиз қиз ва куёвлари барчамизни бахтли-тахтли қилган дадажонимизни то тирик эканмиз чироқларини ёқиб абадул-абад унутмаймиз.

Орзу қилиб тоғганингиз

Бизлар бўлдик,

Тилагингиз — бели

боғлик бўлолмадик.

Армонингиз юракдами

кетди бугун,

Жисмингизга жиндек

малҳам бўлолмадик.

Отажоним рози бўлинг,

биздан энди,

Номингизни қалбимизга

ўйиб ёздик.

Сабоҳат РАСУЛОВА

Жиззах вилояти,

Жиззах тумани,

Х. Олимжон ширкат ҳўжалиги

- Сизлар билан маслаҳатлашадиган гапим бор эди. Эшитишга вақтингиз борми?

Тахририятимизга, худди шу сўзлар билан, деярли ҳар кун кўнғироклар бўлиб туради. Таскину маслаҳат сўраб турли ёшлар, турфа хил муаммолар билан мурожаат қилиб туришади.

Мана шундай кўнғироклардан бири: - Исми Дилфуза. 15 ёшданман. Биласизми, синфимизда Шоира исмли бир қиз ўқийди. Жуда яхши қиз. Хушмуома, камтарин, бировлар тўғрисида ёмон гапирмайди... Ота-онаси яхши ишда ишлайди. Шу сабабми, у доим ораста, яхши-яхши кийимлар кийиб юради... Бироқ синфимиздаги бошқа қизлар нима учундир уни ёмон кўришади. Андиқор айтадиган бўлсам, унга ҳасад қилишади. Шоира ни юқори синфда ўқийдиган бир бола яхши кўради. Дугонам эса унинг бу муносабатига белғарво, гапшаймайди ҳам. Қизлар Шоира ҳақида ёмон гап тарқатиб, уни яккалаб қўйишган. Менга ҳам: "Шоирани ёмонлайсан, у билан гапшайман", - деб туриб олишди. "Менга ҳеч бир ёмонлик қилмаган дугонамга нима учун мен ёмонлик қилай?.. Бундай қилолмайман", - деб айтган эдим, "Булмас, ота-онанга кўнғирок қилиб, сен ҳақингда юрган гапларни айтиб берамиз", дейишди...

- Кўрқадиган қандай айбингиз бор? - Синфимизда бир бола менинг "оркамдан юради". Лекин мен уни яхши кўрайман. Қизлар эса, уйдигиларинга «юрмади» деб айтаман. - дейишди. Тўғриси айтсам, ота-онанга мен тўғримда бундай гапни айтишса, булар нима деб ўйлашади.

- Дилфузажон, дугоналарингизнинг бу ишлари яхши эмас, албатта. Сиз уларнинг айтганини қилмай, тўғри қилиб-сиз. Яна бир яхши ишни қилинг. Шоира билан аянам яқинроқ дўст бўлиб олинг. Бошқалар ҳавас қилишсин. Шунда дугоналарингиз ҳам нотўғри қилишганини билишса, ажаб эмас. Онангиз билан сирдош бўлинг. Шунда ҳар хил гаплардан, гийбатлардан қўрмайдиган бўласиз.

Ҳаяжондан овзолари титраб-титраб гапирган Дилфузага шуларни айтиб тас-

кин бердим.

- Қизим, менинг гапимни ҳам эшитадиган борми тахририятингизда, айланай, - дея зориллайди 65 ёшли онахон.

- Майли, ўша гапларингизни айтинг, эшитамиз...

- Жон болам, менга маслаҳат беринглар. Мана 11 йил бўлибдики, қизим болалари билан бизникида яшайди.

- Турмуши бузилганми? - Йўқ, қувёмим ҳам биз билан яшайди.

КўНҒИРОКЛАРИНГИЗ...



Кудаларим билан ўгли уришиб қолиб, яшагач бирор бошлана тополмасдан эшитгимни тақиллатиб қелишди. Фарзандим-да, қабул қилдим...

- Уйингизга келиб яшашига рози бўлишдан кўра, кудаларингиз билан қувё-қизингизни яраштириш йўлини қилмасиз-да, онахон.

- Эҳ-ҳе, яраштираман деб қанча урин-

дик. Бўлмади. Ораларидан жуда қаттиқ совуқчилик ўрган эканми, ўзи алоҳида яшасин, ўз аврасини ўзи торсин деб, оёқ тираб туриб олишди. Қарасам, қизимнинг оиласи бузиладиган. Ноилоҳ биз билан яшашига рози бўлиб, бағримга олдим. Орадан шунча йил ўтиб бораётган ҳамки, қувёмим ўй олиш ҳаракатини қилмайди. Қизим елиб-юғуриб ишлади, бола боқди. Дадасига, акаю келинкойларига

Чоршанбадан — чоршанбагача

ёмон кўринмаслик учун ўзини ўтга-чўққа урди. Мана, набираларим ҳам катта бўлиб қолишди. Энди жой торлик қилаётпти. Уларни кўчага ҳайдолайман, бироқ бир чорасини топиш керак-да, эркак киши... Нима қилишни, нима дейишни билмай қолдим, жон болам...

- Фарзандингизни уйи бузилмаслиги, набираларингизни кўнгли ўқимаслиги учун уйингиз ҳам, қалбингиз ҳам тўридан жой берган, бағри ҳам, кўнгли ҳам кенг аёб экансиз. Ахволингизни тушуниб турибман. Аввало қувёингизга ота-она уйдан келишмай қиб кетиб, хотини, бола чақаси билан қайнота-қайнонасининг қаноти остига келиб бамайхотир яшаб юриш уят. Қолаверса, йигитнинг-қувёингизнинг ота-онаси - кудаларингиз бу ҳақда ўйламаганлиги ачинарли ҳол... Ота-онанинг вазифаси фарзандни дунёга келтиришгина эмас, унинг ўсиб камол топиши, касб-корли бўлиши, ўйланиб, оилали бўлгунча, керак бўлса, умрининг охиригача бўлган ҳаётига масъул, жаобгар. Бир боласини иккинчисидан кам билмай, меҳр-муҳаббатли қилиб тарбияласагина инсонлар орасидаги оқибат, диёнат, инсоф деган фазилатларнинг умри узок бўлади.

Онахонга шу гапларни айтдим. У киши ҳам мен билан ҳамфурқ бўлгандай бўлди. Бошқача фикрларингиз бўлса, Сиз ҳам айтинг, азиз юртдошим.

- Акбар исмли бир йигит билан севи-

шамиз, - дейди ўзини таништиришни истамган қиз. - Бир-биримизсиз ашай олмаймиз. Аҳду паймон қилиб, умрбоғ бирга бўлишга сўз берганмиз. Ҳозир у ҳарбий хизматда. Тез-тез ҳат ёзиб турармиз. Мен уни жуда соғинаман... Бироқ бир ойдан бери, қўшни туманда турадиган холамнинг ўлига сўраб эшигимиздан совчилар кетмай қолди... Бувимнинг ўзи: "Қариндошлик иплари узилиб кетмасин, қизимга шерик бўлади", деб бу ишларга бош-қош бўлаётдилар. Мен юрак ютиб улларга: "Севганим бор", деб айта олмаганман. Кўз олдимдан Акбарнинг охириги марта ҳазил аралаш: "Яна мен келганча айниб қолмагин", - деган сўзлари кетмай қолди... Нима қилай опахон, маслаҳат беринг...

- Муҳаббат инсон қалбининг безағи, эртанги кунга хуш қадим билан олиб боровчи туйғу. У ҳар қимга ҳам насиб қилавермаган каби, ҳар қим ҳам уни садоқат билан асрай олмайд. Сиз ҳам бир йигитни умидвор қилиб, ўзингиз ҳам умидланиб севиб, севилиб яшасиз. Энг оқилона йўл, холагингиз ўғли билан, агар катталардан улансангиз, оқиқчасига гаплагингиз. Агар мард бўлса, сизни тушунади.

Шу ўринда ота-оналарга бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Фарзандлар соғлом, бақувват бўлиб тутилишни истасангиз иложи борича қариндошдан келин қилмаслик маъқул эмасми? Бу ниҳонинг салбий оқибатлари тўғрисида медицина ҳам кўп гапирди. Ундан ташқари «Қудо бўлдинг, жудо бўлдинг», деган гаплар ҳам бор...

Тахририятга кўнғироклар... Улар тиним билмайди. Юртдошларимиз ҳаётини муаммолар, ташвишлар, қувончлардан дарак беради улар... Ана, телефонимиз яна жингиллапти. Ошиқиб бориб гўшакни кўтарамиз. Сўзингизга, овозингизга жон қулқонимизни тутамиз. Сиз билан фикрлашишга, дардлашишга тайёрмиз, азиз юртдошим...


Хулқар ХОТАМБОЕВА

...Баҳромжон нафақат ота-ю онасининг тўнғич ўғли, балки бобою бувилари ҳам алоҳида меҳру ихлос қўйган бош набира эди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, онаси, амма-хоналари совчи бўлиб не-не хонадонларнинг дарвозасини қоқшмади. Эрта баҳордан кен кузгача улар кўриқдан ўтказган қизларнинг сон-саного бўлмади. Бирини ориқ, бошқасини тўлача, яна қимларни бўйи қалта, ҳовлиси бефайз... Хуллас, нима дейишса, дейишди. Шу орада беш ака-уканинг орасида яққаю яғона ўсган қизни бир кўришдаёқ онаси ёқтириб қолди. Қиз чиройли эди. Йигирма кун дегандан уни келин қилиб тушириб олишди. Аввалига ҳамма хурсанд эди. Келиннинг очик-ёруғлиги, шаҳамдлиги бу хонадонга тездагина киришиб, қўниқиб қетишди... Ҳаммаси яхши эди. Фақат... катталар билан гапшашганда, Унчалик тортинчок эмаслиги, баъзан индамай қўйиш мумкин бўлган жойда гап қайтаргани олдир қайнона англади. Аввалига дили оғриди, кейин ҳақли чикди, келинни тартибга қақирди. Қизлар-қайнингиллар ҳам ошкорасига келиннинг алам олишга ўтдилар. Она ва қизларнинг назарида келин бу танбехлар, кесатиклардан ўзига ҳулоса чиқариши, яхши томонга ўзгариши керак эди. Лекин... бунинг акси бўлиб борарди.

Баҳромжоннинг икки томонлама эзлаётгани, сиқалаётганини икки томондагилар ҳам ҳис қилишмасди, шекилли. Пайт топилиб дегунча онаси "хотининг..." - деб зорланар, уйда эса янги келин қайнона-сига ҳеч ёқмаётганини айтиб ҳар кеча йилгарди.

Бир кун... келиннинг ойқуни яқинлашиб қолган пайтлар эди. Келин қайнона-сига кўрс жавоб қайтарди. Уни кўрган қайнона узининг ичига қилиб: "Мен шу оғуз-ҳавасда ўғил ўстирганнимдм, шу ниятда келин туширганнимдм?"-деб

йўғлай бошлади. Баҳромжон ишдан келганда, хотини онасиникига кетган экан. Бир томондан бесўроқ кетганига ҳақли чикди, онасининг гап-сўзлари эса боши берк кўчага олиб кириб қўйди. Хуллас, хотинини олиб келгани бормади. Кўп ўтмай ўғилли бўлди, туғруқхона-



ИККИНЧИ БАҲОРИНГ ҚАНИ?

га қатнаб турди. Уйга олиб келишадиган кун яқинлашганда онаси: "Бу хотининг бешта ўғлининг ўртасида эрка бўлиб, тарбия кўрмаган экан. Бўлмаганга бўлишса, деган. Яхши томонга ўзгаришига ҳеч қувёмим етмайди. Отанинг аямайди-ю... Бизнинг гапимизга қулук солсанг, болани кўпайтирмай, орани очик қилиб қувёер",-деди. Бу гап Баҳромжонга: "Бизни десанг, хотининг билан орани очик қил",-деган маънода англашилди. Бугун-эрта уйга чақалоқни-ўғилни олиб келиш қувончида юрган дили чорасизликка тутқин бўлди. Туғруқхонага бориб хотинига: "Ҳозирча онангнизики-дия..."-деганини билади... Хотиния бир гап қилдики, жисму жони музлаб кетди. Уйга қайтди, лекин узок пайтгача хотинининг олдига боришга юраги бетламади. Уғилчасини кўргиси келарди... Бу орада номи меҳр-сиз, тошоракка чикди. Бир кун кўчада хотинининг акасини учратиб қилиб, қувониб кетди. Ҳеч гап ўтмагандай сўрашмоқчи, гап-лашмоқчи эди, акаси йигитчиликни, ор-номусни ўртага қўйиб шунақанги тузладики!

Шундай қилиб, Баҳромжоннинг ахволу ҳолатини ҳар қим ўз қаричи билан ўлчади, баҳолади. Баҳромжон, тўғриси, нима қилишини, қиминг кўнглига қарашини ўйлаб ҳайрон, сукутда эди. Бу сукутни хотини томониданга қарай ландовурлик, меҳр-сизликка

йўйишди. Ўз ота-онаси эса: "Хотининг ўйламай гапирини, тилининг тезлиги ўғилнинг кўнглини совутиб юборган экан. Рўзгор қилгиси йўқ",-деб ҳулоса чиқаришди. Ушанда Баҳромжон эндигина йигирма тўрт ёшга қираётганди. ...Оралари тамом узилиб кет-

тишди, умид қилишди... Кейинги йилларда Баҳромжон аввалги хотининикига бориб ўғилни кўриб келадиган бўлди. Ўзига қолса, биринчи рўзгорини тиклагиси келарди. Эрининг дилидан ўтганларни ҳис қилдимми, ё бошқа сабабми, иккинчи хотини бир гап отасиникига борганча қайтиб келмади. Акалари келиб яхшиликча юкларини олиб

кетдиши. Баҳромжоннинг ҳаёлида ҳаёти энди изга тушадигандай эди. Биринчи хотини, ўғлини олиб келса... Лекин ўша кунлари қўшнилардан бири гап топиб келди: биринчи келинни шаҳар марказида бир йигит билан жуда-а очилиб-сочилиб гаплашиб турганини кўришганмиш.

-Авал-охир унинг тарбияси йўқ-да!-деди онаси ва шу гап билан билибми, билмайми Баҳромжоннинг барча орзу-умидларини рад этди. Ушандан кейин Баҳромжон уч йил ёлғиз яшайди. Яққа-ю-яғона қувончи ёшига нисбатан анча уйчан, онаси каби хушрўй ўсмир-ўғли эди. Тез-тез бориб кўриб келарди. Эри ёлғизликка яшаётган бўлса, илк оиласини тиклаш нияти йўқлигига ишонч ҳосил қилдимми, биринчи хотини биттасига тегиб, ўғилни ҳам олиб кетди. Уша кунларда Баҳромжоннинг дилидан кечганлари ёлғиз Яратганга аён.

...Бундан икки йилча аввал ишончасиданга аёллар ўртага олишди. Битта боласи билан уйи бузилган жувонни таништиришди. Ота-онасиям орага тушиб учинчи марта уйлантириб қўйишди. Бола керак-да, ахир! Бир йил ўтмай, қизчали бўлишди.

Баҳромжоннинг ёши ўттиз бешини қоралапти, топиш-тутиши яхши, иш жойида обрусси, ўрни бор. Даврадош дўстлари етар-

ли. Лекин мундоқ ўйлаб қараса, шу ёшгача топан энг бебаҳо бойлиги, умиди, ишончи мана шу чулдираган қизалоғига ўхшайди. Катта ўлига талпинади-ю, ўртада таърифи сўзга ситмас тоғлар, говлар бор. Ўғлини йўқлаб боради, кўради, гап-лашади, бироқ...

...Мана, ўзининг тўйидан кейин узутилган синглисининг қизи ўн тўртга қирибди. Синглиси ҳадемай қиз узатади, келин кўради. Баҳромжоннинг оталик ҳадди сизадиган қизчаси эса ҳали иккигамай тўлгани йўқ.

Тунов кунни онаси ўз-ўзидан дилини очиб қолди. Ушанда Баҳромжоннинг бир дўсти қизини узатаётганди, тўйга айтиб кетганди.

- Болам, қариган пайтимда оғир-оқибат келин кунинга ярашар. Қизлар бировнинг хасми экан... Келинга яхши гапириб керак экан. Чуқур ўйлаб кўрсам, биринчи хотининг ҳам ёмонмасди. Овқатимни пиширарди, чойимни берарди. Қирларни юварди, озода эди... ёш эди-да! "Болам-бўтам",-деб алда йўлга солсам, қўнаримди... Майда гаплардан катта жанжал чиқарибман-у, оғир-оқибат сенинг умринг энг катта бойлик... болалардан ютқазшини ўйлабман ҳам. Шу уйда юрганда, катта ўғлинг аллақачон ўзингга дўстдай бўлиб қоларди, менга беминнат дастёр бўларди.

Дўст, дастёр... Атрофингда дўсту дастёрларинг ҳар қанча бисёр бўлмасинлар, барбир фарзанд ўринни боса оларимди? Енгинангда улғайиб, бўйи бўйинга тенгашади, ўйи уйлариингни тўладириб, жисму руҳинга янги қувват, ҳаётингга қиккинчи баҳор бахш этгунчи фарзандлар учун турмушининг майда, мақсадли ноаниқ инжиқликларини, оқилликларидан қилиб яшасанг минг бора арзийди!

Баҳромжон ва онаси мана шу ҳақиқатни энди тушушган эдилар. Балким, учинчи қалб ҳам англагандир, лекин у оиласида...

Муҳтарам УЛУҒОВА

“СИНАЛМАГАН ЙИГИТГА СИНГЛИМ ТУШДИ...”

Бу дил изҳорингизда худди менинг тақдирим ёзилгандай. Мен ҳам синфдошим Дилдорани севиб туриб, унинг синглиси Озодага уйланганман.

Кўп йиллар талабалик бахти насиб этмай юрган кезларда кўпчилик мени ландовур, оғзидан сўзи тушиб кетадиган, бўшбаёв болага чиқариб қўйишган. Севгилим Дилдоранинг наздида ҳам шундай эдим. Гарчанд у ҳам мени севадас ўз қалбига эмас, кўпроқ бошқалар фикрига қулқот тутади.

Жонга тирмашди совуқ, Совуқ...олам тораёди. Дилимда гул қорайди, Кўксимда изгирилар. Кўксимдаги муз қимлар? Кимлар-бу бемаҳал қиш? Кимлар- мени беянглиш Топиб келган йиртқичлар? Кимлар?... Жим... Отилди ўк... Ёмонликнинг исми йўқ. Хозир мен ҳаётимдан нолимайман. Чунки турмуш ўртоғим Озодахонга етадиган аёл бу дунёда йўқ. Қайси аёл 38 ёшида эрини талаба бўлишига йўл

қўяди. Югуриб-елиб болаларининг тўйини ўтказди, эрининг ўқшдан келишига даңгиллама уйлари қуриб битказиб қўяди. Эрининг эса, бу ташвишлар ҳаёлига ҳам келмас. Гўёки ўқиб билан банд бўлса. Худоба минг маротаба шукрлар қилсам арзийди. Чунки хотинимнинг шарофати билан бекаму кўст яшайман. Ҳали менинг орзуларим дунёча. Аёлимнинг менга қилган яхшиликларини меҳр-муҳаббат билан қайтаришга ҳаракат қилиб яшайман. Халқимиз ўнларлидаги ушбу наволар хотиним Озодахонга ўхшаган аёлларга юпач бўлади деган умиддаман.

Йиғлама қиз, йиғлама, Тўй сеники ёр-ёр. Остонаси тиллодан Уй сеники ёр-ёр. Шаддир-шулдр қамишга, Сирғам тушиди ёр-ёр. Синалмаган йигитга, Синглим тушиди ёр-ёр.

Ташкилотчи, М. Раёнонинг юрагини тирнаб, энди Барнони ҳам алдамоқчи Эҳингиз. Ахир сиз билмадингизку учрашувдаги учинчи қиз -Барноли-

Ташкилотчи, М. Раёнонинг юрагини тирнаб, энди Барнони ҳам алдамоқчи Эҳингиз. Ахир сиз билмадингизку учрашувдаги учинчи қиз -Барноли-

Хурматли К! Мактубингизни ўқирканман, тўғриси сизнинг нақадар каландимоғ эканингизни сезиб асабим кўзиди. Дугоналарим билан сизни роса қораладик. Чунки сиз «Севги нима?» деган саволга ҳали ҳам жавоб тополмагансиз. Сев-

Шундай экан, сеvgи изҳор қилишдан олдин ўйлаш керак эди. Одатда, йигитлар бир сўзли ва мард бўлишади. Мақолангизни ўқиб тенгдошларингиз — йигитлар, “эх...” деб юборишгандир.

Раёнонинг юрагини тирнаб, энди Барнони ҳам алдамоқчи Эҳингиз. Ахир сиз билмадингизку учрашувдаги учинчи қиз -Барноли-

гони. У қиз Барно бўлмаганда бошқа қизга рози бўлармидингиз? Унда қандай йўл тугатдингиз? Менимча бу саволга “Севгилим Барнодан айриламан ва онамнинг юзига оёқ қўяман”, деган жумлаларингиз жавоб бўлади.

Қизларни лақиллатишнинг осонгина йўлини топибсиз-да.

Учрашувга чиққан қиз Барнолигини билмасиз, айтмайсизми онангизга ёқтирган қизим бор деб.

Қадри К., сиз ҳеч қандай икки ўтнинг орасида қолмагансиз. Икки ўт Раёно билан Барноми? Ахир Раёно энди сизга нафрат қўзи билан қарайди-ку. Унинг қалбини яралаб бўлгансиз. Каттик изтироб чекишингиз муглақо нотўғри. “Э, боре”, дейишга шошилманг. Воз кеччи энгил экан-да! Ростини айтсам, сиз энгилтабиат экансиз.

Сизга яхши бир маслаҳатим — Барнога уйланинг, Раёно сизга қайсингил бўлса, нима қипти. У билан яшамайсиз-ку, сизга нима фарқи бор. Виждоран қўйналади, дебсиз. Ахир сизда виждон йўқ-ку. Сиз учун энг тўғри йўл Барнога уйланиш ва уни бахтли қилиш. Эсингизда бўлсин, сиз ва биз яшаётган дунё бир кам ва қайтар дунё!

БАРНО, Тошкент Юридик коллежи талабаси

“Бошим қотиб қолди”—8-сон

ЭСЛАТМА: Раёно исмли қизни сеvardим. Лекин бир гал у мени кўриб кўрмагандай ўтиб кетди. Шундан сўнг Раёнодан кўнглим қолди. Яна бир қиз билан танишиб гаплашсам, у Раёнонинг опаси Барно экан. Нима қилишни билмай бошим қотиб қолди.

К.

ги сизга шу қадар оёқ ости бўлибдики, икки содда қизнинг қалбини эгаллаб олиб, уларни алдаб юрибсиз. Унақа эмасда йигит, қизлар сизга ўйинчоқ мисол эмас-ку. Уларни ўйнаб, жонингизга текканда ташлаб, чиройлироқ кўрингани билан кетавергани. Биттаси билан юриб Раёнодан кўнлингиз совидими?

БАХТ СЎЗИНИ ПЭЗЛАБ ҚЕЛАДИ

Салом С. опа, мен сиздан икки ёш кичикман. Мактубингизни қайта-қайта ўқидим. Менинг бошимдан ўтган кечинмалар ҳам худди сизникига ўхшашу, лекин мен қадамимни ўйлаб бос-

уни ўйлардим. У билан соатлаб гаплашсам, дердим. Уни кўрган куним-бахтли кун эди. Мен юрак сўзларимни кимга айтишни билмасдим. Агар айтгудек бўлсам, худди устимдан қуладигандек

“Ўзим истаган инсонни учратдим-у...”—46-сон, 2001 йил

ЭСЛАТМА: Бир йигит билан танишиб қолдим. Унинг оиласи, битта фарзанди бор... Гудакни етим қилиб оиласини бузим йўқ. Бундай савдони бошидан кечирганлар бўлса маслаҳат беринглар.

НАРГИЗА

дим. Мен 2000 йил октябр ойида Музаффар исмли йигит билан танишиб қолдим. Ханузгача ҳеч кимни севаман эдим. У камтар йигит эди. Уни сурштирмай севиб қолдим. “Уйланганмисиз?”, деган саволимга у: “Йўқ” деган эди. Балки мени синаш учун “йўқ”, дегандир. Мен соддалгим туфайли унинг гапларига ишонибман. Кейин билсам, у оилали, бир қизи бор экан. Буни ўзига айтсам “рост”, деди. У менга ака-сингил бўлишимизни таклиф қилди. Қанийди унутолсам. У мени сеҳрлаб қўйганди гўё. Бошқа йигитларга қарагим ҳам келмас, фақатгина

эди. Уни унутишга ҳаракат қилдим. Тўғриси айтсам, қиз бола бўла туриб биринчи бўлиб ўзим севиб қолган эдим. Аммо у мен билан ака-сингилдек гаплашарди. Бир нарсани яхши билардим, унинг оиласини бузишга ҳаққим йўқ. У бахтли бўлса, менга шунинг ўзи кифоя. С. опа. Ҳаёт жудаям мураккаб экан. Ўзингиз ўйланг, севиш яхши, лекин алданиб қолиш ёмон. У сизни сева ҳам, оиласи борлигини эслатинг. Бахтингиз ўзи сизни излаб келади ва бунга ишонаман. Мен сизга ўшаб китоблар ўқишга қизиқаман ва шу жумладан “Оила ва жамият” га ҳам. Сизга битмас-туганмас бахт тилайман. Қуйидаги тўртликнинг оилали бўла туриб, қизларни алдаганларга бағишлайман.

Қиз боламиз, кўнглимиз нозик, Сўзлашувда шошманг йигитлар. Бўш экан, деб қизнинг юрагин, Хаддингиздан ошманг йигитлар.

АКС САДО

ФЕРУЗА

Поп тумани

Навоийлик С. Мен ҳам “Ажралиб, бир-бирингизни унутинг, тинч бутун бир оилани бузманг. Акс ҳолда бу гуноҳингиз учун Оллоҳ сизни албатта жазолайди, бегуноҳ гудак ёши ёқангиздан тутайди”, деган фикрданман. Оилали йигит эканлигини бошида билмадингизми? У йигит сизни алдаб кетмаслигига қафолат бера оласизми?

Раёно САИДОВА

Тошкент шахри

СЕВМАГАНГА СУЙҚАЛМАНГ

Мақоладаги Д.нинг бошига тушган сеvgи савдосини ўқиб, ўйга толдим. Д. сингли, қарс икки қўлдан чиқайди, деб бежиз айтишмаган. Сеvgи, муҳаббат ҳам ана шунанга. Сиз Шерзодни қандай севагангиз, Шерзод ҳам сизни ўшандай севиши керак. Иккала томон севагина, ҳақиқий сеvgи, ҳақиқий муҳаббат бўлади. Сиз севагангиз-у, Шерзод севадас, қандай қилиб оила қурасизлар? Ўзингиз ёзганингиздек, буйруқ билан, шунингдек, ялчин билан чин сеvgига эришиб бўлмайди-ку. Шундай экан, келинг, севамаганга суйқалманг. Сеvgингизни оёқ ости қилманг. Сизнинг сеvgингизни қадрламаган, юрагингизга қулқот солмаган Шерзоднинг оёғига йиқилманг. Яхшиси, уни ҳаёлингиздан батамом чиқариб ташланг. Сизни ҳам севадиган, қадрингизга етадиган йигитлар бор, албатта. Ишонманки, сиз дунёда энг бахтли қиз, бир гўзал, вафодор йигитнинг ёри бўласиз. Ушанда Шерзод пушаймонда қолади.

“Ишончлими оқлай олмайди”—3-сон

ЭСЛАТМА: Шерзод исмли йигитни чин юрагимдан севиб қолдим. У билан бахтли бўламиз, деб ўйлардим. Лекин у мендан қочадиган бўлиб қолди. Аитинглар, нима қилсам Шерзод ёнимга қайтади?

Д.

Раёнохон ЖУМАНИЕЗОВА

Анджон вилояти, Булоқбоши тумани

МУҲАББАТ ВА ИШОНЧ ИЛА ЯШАНГ

Инсон яшар экан ҳаётни давомиди ўрганиб, ўқиб, хар бир қилаётган ишини фойда-ю зарарини таҳлил қилиб билиб боради. Бордию хатоликларга йўл қўйса, у ҳолда жабрини нафрат ўзи, балки атроф-

бўйсундириб бўлмайди, лекин ҳамма вақт унга қулқот солиш ҳам тўғри бўлмас керак. Балки юракка яқин кишингизни кеч топгандирсиз. Лекин шу инсон туфайли сиз покликка, тинчликка, ҳалолликка юз

“Мен энди ортга қайтмайман”—50-51-сон, 2001 йил

Феруза ҳам шундай гурури паймол бўлганлардан биридир. У барча қизлар каби ширин ниётларни орзу қилади. Келин ўзга хонадонга борар экан, у унинг шароитини, рўзгор тутиш тартибларини аста-секин ўрганади. Янги оилага қўниқиб, ўрганиб кетгунича турмуш ўртоғи, қайнона-қайнота, барча оила аъзолари ёрдам беришлари керак. Феруза эса бу хонадонда орзулари рўёбга чиқиси у ёқда турсин хатто ширин гап ҳам эшитмади.

ЭСЛАТМА: Ота-онам ўзимдан 7 ёш катта йигитга турмушга беришди. Эрим мени рашк қилар, урар эди. Охири ажрашиб кетдим. Ҳаммага қасдма-қасд хурсандчилигимни ўйлайдиган бўлдим. Лекин Баҳром деган йигитни яхши кўриб қолдим-у... Ўзгардим. Баҳром эса менга ўхшаганларни хурмат қилмайди. Ҳозир яхши ўй-ниятлар билан яшайман. Баҳром мени тушунишни хоҳлардим...

ФЕРУЗА

Ферузанинг ҳаёти бундай бўлиб кетишига, хато-камчиликларига нафрат ўзи, балки ота-онаси ҳамда турмуш ўртоғи ҳам сабабчи. Чунки аёлнинг ҳиёнат кўчасига киришига жиддий синовлар ва ҳўрланишлар сабаб бўлади. Феруза, хатони англаб, уни тузатишнинг кечи бўлмайди. Аввало ота-онанинг дуоларига сазовор бўлинг. Айни вақтда ўсиб келаётган фарзандингизга шундай яхши тарбия беришга, у жамиятимизнинг фаол, етук ёшларидан бири бўлсин. Токи сиз ундан фахрланиб юринг. Ҳамма ҳам чин дўст бўла олмайди. Юракни

тутдингиз! Бундай инсонларнинг умри узок, насибаси бутун бўлсин. Сиз ҳаётдан безиллаб, юрагингиз увишиб, нафрат билан эмас, балки муҳаббат, ишонч ила, бахту саодатга қўмилиб яшанг.

Гулхумор ШАРИПОВА Бухоро вилояти, Бухоро тумани

АФСУС ЧЕКМАНГ, КУЙИМАНГ

Сабҳат синглим, “Кимни кўрсам худди менинг устимдан қулаётганга ўхшайди. Чунки шунга лойиқман”, дейишингиз нотўғри. Синалмаган сеvgи, сеvgи эмас. Сиз ҳеч афсус чекманг, куйинманг ҳам. Сизнинг бахтли ҳаётингиз ҳали олдинда. Энди 22 ёшга кирибсиз, ҳаётингизнинг мазмунли даври энди бошланади. Яратган тангрим сабр-тоқатли бандаларини суюди, синглим.

Сизни ташлаб кетади”, деган. Улар Ш.нинг сиз эътибор бермаган (салбий) томонларини билишган. “Унинг уйда тўй бўлса бизнинг уйимизда аза бўлади, бошқа иложим йўқ”, деган галингизни қўйинг, синглим. Газетада фикрларингизни баён қилишингизга ташлаб кетади”, деган. Улар Ш.нинг сиз эътибор бермаган (салбий) томонларини билишган.

“Унинг уйда тўй бўлса”—7-сон

Ш.нинг: “Олдингизга бораман”, деганда таниш-билишларингиз қўриб қолишдан қўрқинингиз бу одоблилик белгиси. Баъзи йигит-қизларнинг кўча-қўйдаги айрим бир андишасизликлари уларнинг ҳаётга энгил-елли қарашидан далолат беради. Халқимизда: “Теран дарё тинч оқар”, деган ибора бор. Унинг сиздан юз ўгиришига “Уйингиз ҳам анча узок” деганингиз ёки таниш-билишлардан тортиниб у билан камроқ учрашингиз асос була олмайди. Қиз қалбини забт этиш бир умрлик жанг, бу жангда хар чин ҳам ғолиб чиқмайди. У сизга тез етишини ўйлаган, сиз эса ақлу фаросат билан сабри бўлишга интилангиз. “Сизсиз яшай олмайман, агар бошқасига турмушга чиқиб кетсангиз мен уйланмасдан ўтиб кетаман”, деган Ш. энди маҳалласидан жуда одобли бир яхши қизни учратибди. Балки, у қизни ҳам сизни алдаганидек алдар? Дугонанинг: “У сизнинг кўз ёшларингизга арзимоғи”, деб тўғри айтган. Ш.нинг дўсти эса: “Унга ишонманг, бир кун и келиб

ЭСЛАТМА: Ш. исмли йигит билан севишдик. Уни деб келаётган совчиларни қайтарардим. Бора-бора Ш. кўрнимай кетди. Бир кун ишга кўнглироқ қилсам, уйланаётганлигини айтди. Ахир мен Ш. нинг йигитлик лафзига ишониб, уни кутганим. Азиз юртдошлар, энди мен нима қилай?

САБОҲАТ

гизга қараганда ақли қизга ўхшайсиз. Ақлларингиз ҳеч қачон ўзига жабрини, қариндошларига ситамини раво кўрмайди. Ота-онанингизнинг сиздан ҳали қанчадан-қанча умид, орзулари бордир. Сизнинг қалб изтиробларингиз ўрнини фаровон, бахтли турмуш эгаллашга тилақдошман.

ҚАМАРИДДИН

Бўстон шахри, Эллиқкаля тумани

6 Оила ва жамият

№ 16 (547) 17 — 23 апрел 2002 йил

Oila va jamiyat



Қадри ва азиз Мақ-буба ТОШИМОВА!
Таваллуд кунингиз мубо-рак бўлсин. Умр бўйи му-ҳаббатдан, бахтиёрликдан сархуш бўлиб юринг. Ҳаётингиз меҳра, уйингиз кут-баракага тўлик бўлсин. Севимли ёрингиз, фар-зандларингиз бахтига до-имо омон бўлинг.

Сизни яхши кўрувчи барча яқинларингиз.



Набирам Муҳаммаджон КУРАМБЕОВ!
Сени 1 ёшга тўлишинг билан қутлаймиз. Келгуси-да ҳамма ҳавас келгудек инсон бўлиб ўлайгин. **Бобонг — Курамбой Отажонов** Хоразм вилояти, Хонқа тумани



Азиз дадажонимиз!
Сизни 52 ёшга тўлишингиз ва турмуш қурганингизга 30 йил тўлиши билан табриклаймиз. Умрингиз узоқ бўлсин. **Фарзандларингиз — Гулнора, Дилфуза, Дилбар, Дилором, Юлдаш, Нурбек ва рафиқангиз — Ойшаҳар, шогирдингиз — Норкул**



Ўзбекистонда ягона бичиш ва тикиш ўқув маркази «МОХИР ҚўЛЛАР»
Кўйлаги нуалик курсларга қабул эълон қилади:
• энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикиш - 4 ойлик; • парда-лар, чойшаблар - турли хил ҳажфозланган, бурмали пардаларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик; • аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плащларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик; • Замонавий, ҳар фасалга мос эркаклар кийими - 2 ойлик.
Кўйлак, шим, костюмлар - ҳар кунга, классик ва спорт усулига мос - костюм, фрак, нимча, куртка, плащ, пальтолар.
Машгулотлар кичик гуруҳларда ҳар кун оlib борилади.
Битирганларга диплом берилади. Қабул ҳар кун (яқиндан ташқари) соат 10 дан 12 гача.
Манзил: Пушкун кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мақбали, 4-қavat, 524-хона.
Мўлжал: Метронинг «Амр Теуор» бекати. Тел: 133-73-97, 76-71-95.

Турмуш ўртоғингиз — Раҳматилла, қизларингиз — Лаофат, Муборак, Мухтабар, Раъно ва ўғлингиз — Муроджон



Азиз адажоним ЗАРИФ ака!
Сизни 48 ёшингиз билан чин дилдан табриклайман. Доимо бахтимизга соғомон бўлинг. **Қизингиз Наргиза**

Ўзбекистонда ягона бичиш ва тикиш ўқув маркази «МОХИР ҚўЛЛАР»

Хурматли ҳамкасбимиз ЗУХРАХОН!
Сизни 20 апрел — 50 ёшли — таваллуд айёмингизга қутлаймиз. Дунёдаги бахтлилардан бири бўлиб яшашингизни истаб қоламиз.



Фарзандларингиз ва ҳамкасбларингиз — Нурали, Нодира, Тожиғул, Анора



Онажоним Муаззам УМАРОВА!
Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Дадам билан қўша қаринг. **Фарзандларингиз — Шерали, Сарвиноз, Севара**

Хурматли курсдошим Хадичахон ЙЎЛЧИБЕОВА!
18 апрел — таваллуд айёмингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Оилангиз, фарзандларингиз бахтига соғ бўлинг. Хонадонингизга шодлик тилаймиз. **Курсдошларингиз Мавлуда, Дилбар**

Малакали дизайнер замонавий «Элита» пардаларини «Евродизайн» бўйича тикишга буюртма олади.
Тел: 125-73-66, сот: 188-73-66

Халқ табиби, 1995 йили Москвада бўлиб ўтган жаҳон симпозиуми совриндори - Академик Неъматжон Абдуллаев гиёҳлар билан куйидаги касалликларни даволайди.
1. Саратон-рак ва унинг ҳар қандай турлари; (нур-химия олмаган бўлса), а) Оқсон - лейкоз сурункали, б) Қондаги вируслар; 2. Сурункали бош оғриги; асаб касалликлари, уйқусизлик. 3. Жигар-кўрталок, сарик, церроз, қайд. 4. Улка, сувик силли. Эҳнақок касали. 5. Юрак касалликлари. 6. Ошқозон-ичак, колит, қабзият; 7. Буйрак, қон босим, шамоллаш, простатит; 8. Умуртқа поғонаси, грижа. 9. Ўт-буйракдаги тошларни тушуриш. 10. Камқонлик; Хомилани сақлаш; 11. Соқ, қош-киприкларнинг бирданига оқариб кетиши. 12. Бефарзандлик. 13. Семириш ёки озини. 14. Геморрой.
1-Манзил: Тошкент шаҳри, «Олимпия» меҳмонхонаси, 1-қават. Мухбир кўчаси, 2-уй. Қабул кунлари ҳар ойнинг 11 дан 16 сичага, 25 дан 30 гача. Тел: 29-38-64. 2-Манзил: Наманган вило. Янгиқўрғон тумани, Поромон қишлоғи. Тел: 8-369-45-29-124. Лицензия: № 133

Ошпазлик санъати сирлари.
Тел: 136-38-92
Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан тадбиркор Миразимов Мирҳайдар Мирадилович номига берилган 1015714 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛНАДИ.**

«Оқтепа савдо» хусусий фирмаси 11 апрел 2000 йилгача бўлган 2 миллион сўмлик Низом жамғармасининг 2002 йил 1 апрелдан бошлаб 1 миллион 400000 сўмга қайта тирилганлигини маълум қилади.

Тортлар, пишириқлар пиширишни ва «Келин-куёв» қиёфасини ясашни ўргатаман. Катта программа.
Тел: 162-67-86

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.
3 ойлик курслар: - Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк ишлари ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео аппаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили.
2 ойлик курслар: - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL - Бухгалтерия ҳисоби, - Электр ҳижозларини таъмирлаш устаси. 1-**С Бухгалтерия** дастури — 1 ойлик.
- Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.
Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 58-48-50.

«ЗУККО» фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ
1-ойлик: - Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм.
2-ойлик: - Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир ойга 5000 сўм. - Сартарошлик. Бир ойга 5000 сўм. - Массаж (умумий). Бир ойга 5000 сўм. Уй ҳамшираси. Бир ойга 5000 сўм.
- Энг замонавий усулларда «Элита» пардалари ва чойшабларни тикиш. Бир ойга 5000 сўм.
3-ойлик: - Бичиш-тикиш. Бир ойга 5000 сўм. - Инглиз тили (бошловчилар учун). Бир ойга 5000 сўм. - Акушерлик. Бир ойга 5000 сўм. - Теле-радио устаслари. Бир ойга 5000 сўм.
Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Фирма сифатли ўқитишга қаролат беради. **Хамма ўқишлар амалиёт билан.**
2-Манзил: Юнусобод тумани, «Козогистон» кинотеатри биноси ичида. Тел: 35-10-36

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОХИР ҚўЛЛАР»
Кўйлаги нуалик курсларга қабул эълон қилади:
• энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикиш - 4 ойлик; • парда-лар, чойшаблар - турли хил ҳажфозланган, бурмали пардаларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик; • аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плащларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик; • Замонавий, ҳар фасалга мос эркаклар кийими - 2 ойлик.
Кўйлак, шим, костюмлар - ҳар кунга, классик ва спорт усулига мос - костюм, фрак, нимча, куртка, плащ, пальтолар.
Машгулотлар кичик гуруҳларда ҳар кун оlib борилади.
Битирганларга диплом берилади. Қабул ҳар кун (яқиндан ташқари) соат 10 дан 12 гача.
Манзил: Пушкун кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мақбали, 4-қavat, 524-хона.
Мўлжал: Метронинг «Амр Теуор» бекати. Тел: 133-73-97, 76-71-95.

«ХОЛИС-УМИД» ФИРМАСИ
замонавий касб-хунар курсларига таклиф этади:
КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИК КУРСЛАРИ:
- WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC.
- Бухгалтерия ва компьютер билимлари-3 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби -2 ой.
- Инглиз тили (компьютер ёрдамида)-3 ой.
- Акушерлик-6 ой.
- Ҳамширалик-3 ой.
- Аёллар ва эркаклар сартарошлиги (Машгулотлар салоида ўтказилади) - 3 ой
ДИККАТ! Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машгулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифадаги мутахассислар томонидан амалиёти билан оlib борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.
МАНЗИЛИМИЗ: «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлаклар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

«MADINA BEGIM» ЎҚУВ МАСКАНИ
ЎҚУВ КУРСЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:
1. Сартарошлик-3 ойлик. 2. Массаж-2 ойлик.
3. Уй ҳамшираси-3 ойлик (бир ой амалиёти билан).
Ҳамшира-фармацевт - 1 ойлик. 4. Қандолатчилик-2 ойлик. 5. Замонавий усулда парда ва пакриваллар тикиш (каталог асосида). 6. Косметология-2 ойлик. 7. Компьютер - 2 ойлик. 8. Инглиз тили - 2 ойлик. 9. Тасвирий маникюр - 1 ойлик. 10. Эркаклар сартароши — 1 ой (салонда).
Парда ва торт тайёрлаш учун буюртма қабул қилинади. Амалиёти билан битирганларга диплом берилади.
Манзилимиз: «Хадра» меҳмонхонаси ичида. 56 «*»-уй, 5-қават. Мўлжал: Циркиннинг ўнг томонида. Тел: 144-28-11, 45-95-48.

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади
3 ойлик
- Инглиз тили(бошловчилар ва давом эттирувчилар учун);
- Бухгалтерия ва компьютер билими;
- Тикиш-бичиш, моделлаштириш.
2 ойлик
- компьютер билимлари: (Windows-98, MS office: Word, Excel, Power Paint, E-mail, Internet);
- компьютерларни таъмирлаш ва модернизациялаш;
- замонавий бухгалтерия ҳисоби,
- «Элита» услубида замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш.
Тугатилганларга диплом ва сертификатлар берилади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси 13, 2-қават, 55-хона. Мўлжал: Навоий метроси, Стоматология поликлиникаси ёнида.
Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

СЕН ОИЛАМ НУРЛИ САМОСИ!



Самимий муҳаббатимиз гунча ёйиб, оилали, фарзандли бўлган кунларимизга ҳам 37 йил тўлибди. Мана яна бир туғилган кунингизни нишонлаб турибсиз. Болаларим ва невараларим даврасида

Лолаҳон! Ўтган ташвишли ва хузурли ҳаётимизни ўйлаганим сайин Сизга бўлган меҳрим, муҳаббатим ошиб боради. Ҳақиқатдан аёл таърифига тил ожиз. Аёл шундай қудратли зотки, унинг меҳридан нурланмаган қулба, қаҳридан қуламаган кўрғон йўқ. Аёллар дунёнинг сирини, аёлни билган дунёни тийран англайди.

Сизни қалбдан табриклайман, сиздек садоқатли, вафодор, жонқуяр, меҳрибон, бор-йўғимга сабрли елкадош, тоғдайн суянчиқ жуфти ҳалолим билан фахрланаман. Шу боис бирга ўтган кунларни эслаб, дейман:
Хар кунингга ярайдиган, Холинг на деб тўрайдиган, Йўл кўрсатиб тўрайдиган, Дўст топмадим сендан бўлак.

Эркам Лолаҳон! Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Сиз бир умр менинг эъзосимга, эҳтиромимга лойиқсиз. Аллоҳдан тилаганим шу: доим бошингиз омон, йўлингиз равон, чехрангиз хандон бўлсин! Бирга қўша қариб, болаларимиз роҳатини, невараларимиз фароғатини кўрайлик. Тўрт муҷамиз соғ бўлиб, эвараларимизнинг бўйи етиб, камол топиб, бола-чақалик бўлган кунларини кўриш рўзи насиб этсин! Бир умр Сизга айтадиган дил куйим шундай бўлсин:

Ҳамкорликдаги оилавий ҳаётимиз давомида жамият учун мен билан тенг меҳнат қилиб, инсон саломатлиги йўлида тер тўқингиз. 4 ўғил ва бир қизнинг онаси, ўч келиннинг қайнонаси, 9 неваранинг бувиси бўлдингиз. Муқаддас ҳаж ибодатини бажариб, ҳожи она номини олдингиз. Ха, куйидаги сатрлар Аллоҳ ярлаққан Сиздай пок ва ҳалол аёлга аталган:
Одам Ато насига, Яратгандан иқболсан. Бу беором дунёда, Ҳаловатли хаёлсан.

Хоним дейму ё Эркам, жоним, Бегим дейму ё дейман бонув.
Аёл отли буюк жаҳоним, Сен мен учун абадий ёғду.
Кўклар ўзинг, кўркам ҳам ўзинг, Бу оламнинг завқу сафоси.
Дилга қувват меҳрли сўзинг, Сен оилам нури самоси.
Сизга доим таъзимда ҳурмат ва эҳтиром ила содиқ жуфти ҳалолингиз,
БОТИРЖОН ака

СИНГИЛЖОН, СЕНИ ЯХШИ КЎРАМИЗ...

Бизнинг отамиз Ниёзов Мамат бобо урушдан кейинги йилларда, яъни 1955 йили турмуш қийинчилиги сабаб, ўзининг 2-3 ойлик **«Овоз беринг, қайдасиз?»** Сингилжонимиз Фотиима, Фотимахон исмли қизаларини Шаҳрисабздаги «Болалар уйи»га топширади. Ушанда отамиз билан бирга қўшни қишлоқлик дўсти ҳам бир ўғилчасини топширган экан. Афсуски, бу кишига «Болалар уйи» томонидан фарзанднинг оламдан ўтганини ҳақиқат хат келади. Биз эса сингилмиз Фотимахонни тирик деб ўйлаймиз. Отамиз оламдан ўтиб кетганига анча бўлди. Бизлар сингилмиз «Болалар

уйи»га топширилган пайтда жуда ёш бўлганмиз. Унинг фамилияси Маматова ёки Ниёзова бўлиши мумкин. Сингилжонимиз Фотиима, қаердасан? Сени яхши кўрамыз ва излаяпмиз. Билгндинг, сенинг акаларинг - Раҳмат, Нормурод, опаларинг - Ойдин ва Ойимхон, бир қанча хешу ақраболаринг бор. Улар сени кўришни жуда-жуда хоҳлашади.
Қашқадарь вилояти, Чирокчи тумани, «Меҳнатобод» ширкат ҳўжалиги, «Қаҳрамон» қишлоғи. Ниёзовлар оиласи.

Мен Тошкентда туғилиб, Нукус шаҳрида ўсганман ва у ерда билим олганман. Мактабни тугатган, Тошкентга келиб, олийгоҳлардан бирига ҳужжат топширдим ва менга талаба бўлиш бахти насиб этди.

Мен авваллари жуда қайсар, эрка эдим, фақат ўз билганимни қилардим. Хатто 11-синфдалигимдаям кўчада уйнаб юрардим. Йигитлар кетимдан юра бошлашди. Лекин мен уларга ҳеч эътибор бермасдим. Мен ўзим севги нималигини билмайман. Лекин ўтган йили С.

исмли бир йигит менга кўнгирак қилиб, танишмоқчи эканлигини айтди. Лекин, мен устидан кулиб, уни синадим. У менинг ҳамма эркаликларимни кутарди. У кўнгирак қилганида қайсарлик қилиб гаплашмай ўтирдим.

Аммо, С. билан қанақа дўстлашиб кетганимни ўзим ҳам билмай қолдим. У бадавлат оиладан бўлганига қарамай, жуда содда, очик кўнгилли бола эди. У Р. деган кўшнимнинг синфдоши экан. У мендан тўрт ёш катта бўлиб, ҚМУнинг иктисодиёт факультетига ўқирди. У ўзининг машинасида синфдошиникига келган бўлиб, мени кўриб кетарди. Бу ҳолат уч ой давом этди. У ҳар куни икки марта келиб кетарди. Лекин, орамада ҳеч нарса йўқ эди. Бу орада мактабни тугатиб, Тошкентга кетиб қолдим. У Тошкентга кўнгирак қиладиган бўлди. У менга севги изҳор қилганида, унга фақат дўст бўлишимиз мумкинлигини айтдим. У бунга зўрга кўнди, лекин барибир соғинганини, кўргиси келатганини айтди. Мен бу сўзлари учун уни уришиб берардим.

Кунлар, ойлар ўтди. Мен ёзги таътилда Нукусга қайтадиган бўлдим. Қайтишимни унга айтмагандим. Самолётдан тushам, аэропортда у кутиб турибди. Уша кўннинг эртасига у билан учрашдик. У менга ота-онаси уйлантиришмоқчи эканлигини айтди. Чунки у оиласида ёлғиз ўғил эди. Уша кунни у менинг кўлимни сўради ва ўйлаб кўришимга бир ой муддат берди. Мен унинг таклифини қабул қилолмаслигимни, менга турмуш куриш эрталгини, ўқишни тугатишни кераклигини, ҳали уни севишимни билмаслигимни ва охири ота-онам рози бўлмаслиги мумкинлигини тушунтирдим. Лекин у менга яхшилаб ўйлаб кўришимни айтди. Кейин у билан аввалгидек гаплашиб юрареддик.

Бир кунни уйда ўтирсам, телефон жиринглаб қолди. Ҳушакни кўтарсам, мактабимизда рус синфидан ўқиган А. исмли бола экан. У билан орамада саломалиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. У билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлиб, нимага кўнгирак қилганини сўрасам, мени севиб қолганини айтди: «Сени олиб қочиб кетайми ёки совчи юборайми?» - деб сўради. Мен учун бу кутилмаган савол бўлганлиги учун нима дейишимни билмай қолдим. Кейин унга ҳам С.га нима деган бўлсам худди шу сўзларни айтдим. Лекин у менинг сўзларимга тушунмади. «Барибир олиб қочиб кетаман», - деб айтди. Мен унга норози эканлигимни, агар олиб қочиб кетса судга беришимни айтдим. Уша гапдан кейин у билан умуман гаплашмадим. Нукусда ўн кун бўлиб Тошкентга қайтдим. Бу орада ўқишларим бошланиб кетди. Олиб

қочиб кетиш - бу қорақалпоқларнинг урфодатларидан бири. Бунда йигит яхши қурган қизини рози-норозилигига, таниш-нотанишлигига қарамай уйига олиб боради. Уйда кўшнлар, қариндошлар йиғилишиб биргаликда қизнинг бошига рўмол солиб, машинадан тушириб олишади. Кейин қизнинг уйига хабар қилишади. Қизнинг онаси, опа-янгалари келишади. Баъзи пайтларда қизнинг онаси қизини уради, уришади. Қизнинг қолишга розилигини олчар, бахт тилаб кетади. Лекин қизини қолдирмай олиб

ин оёғим билан хайдовчини тешиб, овозим борича бақирдим. Лекин магнитофон овози баланд қўйилган эди. А. кўлимни қўйиб юборгач, мен ёнимдагиларни ура бошладим. Хатто А. нинг кўлини тишлаб олдим. А. га ёмон сўзлар айтдим. «Судга бераман», - дедим. «Дадам зшитса менгаям, сизларгаям ёмон бўлади», - дедим, чунки дадам оранда ишларди. Лекин фойдаси бўлмади. Нима қилишимни билмай, кўлимни зўрга машинанинг "ручной тормоз"ига олиб бориб, уни тортдим. Лекин бунинг фойда-


тирдим. У: "Тушуниб турибман, лекин кўлимдан ҳеч нарса келмайди", - деди. Кейин "кетаман", деб жанжал кўтардим. Кўшнлари: "А. нинг онаси келсин, ўзлари ҳал қилишади, биз сени ҳеч қаяққа юбора олмаймиз", - дейишди. Мен уйимга кўнгирак қилаётганимда кўлимдан телефонни тортиб олишди. Энди куттишдан бошқа иложим қолмади. Ярим соатдан кейин уни онаси келди ва мендан нима гаплагини сўради. Чунки мен ҳеч кимни ёнимга яқинлатмай, ҳамма билан уришиб ўтиргандим.

Одатда, бошқа қизлар икки-уч соат йиғлаб, охири рози бўлишарди. Ўзимга-ўзим хайрон қолдим, илгарилар биронта одам сал кўполроқ сўз айтса йиғлаб юборардим. Уша кунни эса кўзимга

хатто ёш ҳам келмади. Мен онасига ҳамма бўлиб ўтган воқеани айтдим ва мени кўйиб юборишни илтимос қилдим. Онаси озгина ўйланиб ўтирди-да: "Бўпти, норози экансан, мен сени мажбурлаб келин қилолмайман. Фақат илтимос, дугонан билан озгина гаплашиб ўтир. Мен кўшнларга, «қариндошларга уйига совчи юборадиган бўлдик», деб айтиб келаман", - деди. Мен унинг бу сўзига ишониб ўтирареддим. Орадан икки соат ўтди. Уримдан туриб кўча эшик томонга югурдим, куч билан ушлаб қолишди. Жанжал чиқардим, фойдаси бўлмади. Шунақа қилиб уч соат уришиб, рози бўлмай ўтирдим. Охири онаси келиб: "Эртага уйингга совчи бўлиб борамиз. Сен фақат рози бўл, бўлмаса сени уйингга юбормаймиз", - деди. Уша уйдан тезроқ чиқиб кетсам бўлди, деб ҳаммасига рози бўлдим. Уйимга юборишди. Мен онам билан гаплашиб, унга ҳамма гапни тушунтириб айтдим. Кейин онам унинг онасига телефон қилиб, бизниқига совчи юбормаслигини, дадам зшитса ёмон бўлишини, ўғлини тезроқ ўйлантириб юбориши кераклигини, шунда гап-сўз тарқалиб кетмаслигини тушунтирдим. Мен ўша кўннинг эртасигаёқ Тошкентга қайтдим. Бир ҳафтадан кейин ўқишимиз ҳам бошланди.

Менинг ушанда қанчалик қўйналганимни тасаввур қилган бўлсангиз керак. Бу ҳам етмагандек, яқинда Нукусдан бир ўртоғим келди. У дугонамнинг уйига борди, гаплашиб ўтириб мени сўрабди. Мен ҳақимда Нукусга одамлар гийбат қилишаётганини айтди. У дугонамга: «Эшитишимча, Д. ни олдин С. олиб қочиб бузибди. А. эса уйига олиб боргандан кейин бунни зшитгач, уйдан хайдаб юборибди», - деди. Бу сўзларни эшитгач, Нукусга дугонамга кўнгирак қилиб, "Нима янгилик?" - деб сўрасам, у менга: "Шунақа гаплар юрибди, шу ростми?" - деб сўради. Нукусда мени кўришганидан ҳам бор эди. Энди эса А. ҳам ўйланибди. А. нинг хотини ҳам мени танийди. Унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ экан. Уним олиб қочибди. Бошимдан ўтган савдолардан Тошкентдаги танишларим ҳам хабардор. Улар ҳам менга бошқача қараяпти. Билмадим, Нукусга борсам нима бўларкан. Чунки, кичкина бошар бўлганлиги учун ҳамма бир-бирини танийди. Ҳар кунни кўнгирак қилиб, бу ҳақда сўрайдиганлар кўпайиб кетишди. Энди нима қилишгаям ақлим етмаяпти. Илтимос, менга маслаҳат беринг.

АЙБСИЗ АЙБДОР БЎЛДИМ



кетадиганлар ҳам бор. Лекин, шахримиз кичкина бўлганлиги сабабли гап-сўз тез тарқалади. Эшитиб қолганлар фалончининг қизи қайтиб келибди, деб гийбат қилишни бошлашади.

Орадан бир ой ўтди. Айтилган кун С. кўнгирак қилди. Мен унга жавобим ўзгармаганлигини айтдим. У эса ҳеч нарса бўлмагандай, аввалгидек гаплашаверди. Уша кундан кейин биз яна уч ой гаплашиб юрдик. Икки ҳафтадан кейин у уйга совчи юборди. Ота-онам рад жавобини беришди. Бир ойдан кейин у уйланди ва мен уни йўқотганимни сезиб, унга қанчалик ўрганиб қолганимни англадим.

Мен бу хабарни Нукусга қишки таътилга борганимда эшитдим. Кўчада танишларини кўриб қолсам, ҳаммаси менга С. ҳақида, унинг хотини ҳақида гапирарди. Кўшним эса (унинг синфдоши) унинг қиёналиб юрганини, иложиз уйланиганини айтди.

Янги йил кўнлари дўстларим, дугоналарим, синфдошларим билан айлиниб юрдим. Қайтишимга етти кун қолганида синглим шамоллаб қолган экан. Холам мени дорихонага юборди. Дорихонага яқинлашганимда ёнимга эски "Москвич" келиб тўхтади. Машинадан А. тушиб менга яқинлашди. Мен ўтиб кетаётиб кўриб қилиб саломлашиб кетмоқчи экан, деб ўйлаб унга "қалайсиз", дедим. Орқамдан икки йигит келиб, мени кўтариб машинага солди. Мен ҳеч нарсани англамай, тушунмай қолдим.

Орадан 3-4 дақиқа ўтгандан сўнг, нима бўлганини фаҳмлаб, уларга ялина бошладим. Улар менинг қўлларимни қаттиқ ушлаб олишган эди. Кей-

маси яхши бўлади, ҳали бахтли бўлиб кетамиз", - деди. Мен ундан қанчалик нафратланганимни, агар мард йигит бўлса, бундай қилмаслиги лозимлигини айтдим. У уйимизга совчи юборса, менинг «йўқ» деб юборишимдан кўриб шундай қилганини айтди. Хуллас, мен уни тўхташга кўп уриндим. Хатто, тегишга розиман, фақат икки йилдан кейин совчи юбор, дедим. У эса ишонмади. Машина бир ой олдири келиб тўхтаб, сигнал берди. Бир киши чиқиб дарвозани очди. Машина ичкари киргач, ичкаридан иккита хотин югуриб чиқди. Машинадан хайдовчи билан иккита йигит тушиб, мени А. билан бирга қолдирди. Мен дунёдаги энг "ширин" сўзларини айтти, уни ура бошладим. У менинг қўлларимни ушлаб турди. Мен оёғим билан машина ойналарини синдирмоқчи бўлиб тепдим. Ойналар бақувват экан, синмади. Кейин, оёғим билан сигнални босиб турдим. Қўшнлари йиғила бошлашди. Иккита хотин келиб, А.ни тушириб юбориб, менинг нимага бунақа қилаётганимнинг сабабини сўрашди. Мен уларга А. билан орамада ҳеч нарса йўқлигини, барибир бу ерда қолмаслигини, дадам зшитса ёмон бўлишини, ҳалиям кеч эмаслигини айтиб тушунтирмоқчи бўлдим. Лекин, улар тушунишни яшашмади. Машинадан ўзим тушиб, уйга яқинлашганимда кўча эшиқдан бир

қиз кириб келди. Унга қарасам, икки йил олдин "Тил маркаси"да бирга ўқиган Гулноза экан. А. амакисининг ўғли экан. Гулнозага мени бу ердан чиқариб юборишини илтимос қилиб, вазиятни тушун-

ди. Бугун шанба, ўғилларим ўқишдан келишади. Оталарининг кетганлигини билиб нима дейишади? Мен ўзимни ҳақоратланган, инсоний қадр-қиммати поймол қилинган деб ҳис қилаяман.

Мени ҳамма масҳара қилаётгандек, хатто овинларим, қўйнилларим қўлини бигиз қилиб: "Ана, сени ташлаб биринчи хотининикига кетдимини", - дейишаётгандек бўлаяпти.

Менга маслаҳат беринг, азизларим.

Нукус Д.

МЕН УНГА ИШОНИБМАН...

1980 йил ўқув юрларидан бирини тугатдим. Ишга жойлашдим. Оилада катта қизман. Мен турмуш куриш ҳақида ўйламас эдим. Ўқишга берилган эдим. Ота-онам ҳам биз фарзандларига «ўқинглар» дер эдилар. Мен тенги қизлар турмуш куриши 1-2 тадан фарзандли ҳам бўлишди. Онамнинг кистови билан мен ҳам турмуш қурдим. Лекин бировни бахтли қиламан деб ўзимни

бахтсиз қилдим. Ўзим боқира қиз бўла туриб ўйланиб, ажрашган одам билан турмуш қурдим. Уни яхши одам дейишса, ишонибман. Унинг бир кун келиб: "Сен менга нега тегдинг, мен сени ёмон қўраман", - дейишини ўйлабман. Бунинг учун ўзимни сира-сира кечиролмайман. Уша пайтада менга ҳеч ким: "Қўйсанг-чи, бу одам сенинг тенгинг эмас", - демади. Мана, 20 йилдан ортиқ яшапмиз. 4

та фарзандим бор. Уч ўғил, бир қиз. Иккита ўғлим Тошкентдаги коллежда ўқишади. Ўзим ишлайман. Ташқи кўринишдан мендан, бизнинг оиладан бахтли одам, оила йўқдек. Аслида-чи, эрим кўпунча ичиб келади. Фарзандларига мени фақат ёмонлайди, инсон боласи чидаб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақоратлайди. Олдинги хотинидан битта боласи бор. Алиментини тўлаб келди. Майли


дедим. Боласи уйланди, оталик бурчи экан, дедим. Тўйга ҳам борди. Орадан шунча вақт ўтиб биринчи хотинига энди керак бўлиб қолибди. У менга уйланигандан кейин ҳам ўша (совик хотини) билан гаплашиб турар экан. Шундай экан, нима қилар эди ундан ажралиб, менинг умримни ҳазон қилиб, қатор-қатор бола тугдириб? Болаларимнинг ҳам отасидан кўнгли совиған. Мана шу сатрларни ёзаяпман юрагим бум-бўш. Эрим совик хотининикига кетган. Бир кун олдин мен билан жанжаллашиб "бор, йўқол", - деб кет-

ди. Бугун шанба, ўғилларим ўқишдан келишади. Оталарининг кетганлигини билиб нима дейишади? Мен ўзимни ҳақоратланган, инсоний қадр-қиммати поймол қилинган деб ҳис қилаяман.

Мени ҳамма масҳара қилаётгандек, хатто овинларим, қўйнилларим қўлини бигиз қилиб: "Ана, сени ташлаб биринчи хотининикига кетдимини", - дейишаётгандек бўлаяпти.

Менга маслаҳат беринг, азизларим.

РАЪНО Охангарон



МОҲИ ТЮБОНИМ

Умр йўлдошим Ҳалима Абдуллаевага
Минг гулнинг ичида танлаб олганим,
Ҳаётим боғида парвонагинам.
Сени қанча таърир қилмайин - бу кам,
Сендан рози кетди отам, онам ҳам.

Қирқ йил болаларга дарс берганинг,
Қирқта довонни ошмоқ билан тенг.
Меҳринг, саховатинг дарёси эса,
Дунёда мен билган дарёлардан кенг.

Сенинг хизматларинг санамоқ учун
Етмайди оқарган сочим толаси.
Ҳар ишда беминнат маслаҳатгўйим,
Сен билан ободдир кўнглим даласи.

Теграгнда фарзандлар юлдузлар каби
Тизилса уйимиз тўлади нурга.
Невара, чевара ўйинга тушса,
Қўшиқ айтишамиз улар-ла бирга.

Бўйингдек тандирда ёпган нонингни
Кўшилар ушогин тўкмай эъозлар.
Ўстирган гулларинг таърифидан лол
Кўлин совуқ сувга урмас таннозлар.

Нўхотли, майизли ошинг еганлар
Каспий бўйларида эслашар сени.
Бир кун уйимизда туз тотган дўстлар,
Узоқдан йўқлашар сени ва мени.

Оилам таянчи, қалбим ғурури,
Бахтим осмонинг моҳи тобони.
Улғаяр кун сайин сену биз билан,
Шу тукқан ўлканинг шараф ва шони.



БАҲОР ШАМОЛИ

Кулиб келишларингни
бахор шамоли, дедим,
Ҳар бир ширин сўзингни
Бахмалнинг боли, дедим.
Чунон очилган гули
хусну латофатингни,
“Сен бирла ҳар кўришмоқ,
қандай сафоли!” дедим.
Сайр қилиб богларни
боққанда қоматингга,
Назоқатда тенги йўқ
севги ниҳоли, дедим.
Рақибларинг «бу қизнинг
оҳанрабои не», дер,
Ўзига хўп ярашган
лабида холи, дедим.
Кезиб гулзорларни,
юрганда қўл ушлашиб,
Ўпганда оқ юзингдан,
“Ойлар шафтоли!” дедим.
Хайрлашув чоғимиз қочди ўйу хаёлинг,
“Билмам, нега паришон
бўлди хаёли”, дедим.
Дўстлар, қийин эришмоқ
ишқда муддаога,
Барча севишганларнинг
шудир ахволи, дедим.
Абдул КОДИР

Томоша тугади. Одамлар лиқ тўла зал бир зумда бўшаб қолди. Саҳнанинг пардалари туширилди. Мен эса кеча давомида ўзининг бетакрор маҳорати билан дилларни хушнуд этган Валижон Шамшиевни излаб саҳна ортига ўтдим. У бир гуруҳ индонезиялик меҳмонлар даврасида жиддий киёфада кўлидаги дафтарига алланималарни ёзиб-чиғиб турарди. Кеча давомида юзидан табассум аримаган ва бу табассумни мухлисларининг дилига кўчира олган Валижонни ҳеч қачон жиддий кўрмаганим. Сўхбатимиз ҳам айнан шундан бошланди.

- **Биласизми Валижон, менга**

Агар инсон жисмонан соғлом, чиниққан бўлса ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини кўлга олади. Шу сабаб каратенинг жанговор у-шу тури билан қаттиқ шугулландим.

- **Сўз усталари тайёр матнлардан фойдаланишадими? Масалан, сиз ҳар қандай вазиятда ҳам одамларнинг ичганини узиб қулдира оласиз...**

- Мени қийнайдиган муаммо бу... Қани энди режиссёрлар бизга сценарий тайёрлаб беришсаю “ундай қил, бундай қил”, дея сиқиб сувимизни ичишса... Жон дердик. Қийин томони шундаки, биз саҳнага тўғридан-тўғри чиқиб кетавера-

етказсин Оллоҳ. Хурсандчиликка не етсин? Ахир бу ҳамманинг дилидаги орзу ҳаваси рўёбга чиқадиган кун. Лекин тўй давраларида мен бир нарсага: агар тўй эгаси шу тўй ўрнига ўғилчасига яхши бир уй олиб кўйса, у эртага улғайиб уйланганида уй қидириб юрмасди, деб ўйлайман. Ҳаддан ортиқ исрофгарчиликни, ким ўзарликни ёқтирмайман. Оддийликни ва оддий инсонларни жуда-жуда қадрлайман.

- **Қизичқи Мирзабек Холмедовдан овозингиз жуда ширали, ашула айтсангиз қандай бўларкан, деб сўраганимда у**

САҲНА ОРТИДАГИ УЧРАШУВ

ҳар доим ҳаммани қулдираётган сўз усталари, қизичқиларнинг кўнгли тубида бир армону изтироблари бордек туюлаверади...

- Саҳнада бизни кўриб ҳаётимизни фақат хурсандчиликдан иборат дейдиганлар бор. Тўғри, одамларни қулдириш, кимнидир дилига озгина бўлса-да нур бағишлаш яхши, савоб иш. Лекин тирик жонимиз-да. Бизда ҳам яхши-ёмон кунлар бўлади. Болалиқдаги ўйин-кулгулар билан ҳеч ким саҳнага чиқиб машҳур бўлиб кетмайди. Менинг қалбим изтиробга тўлган пайтлар бўлган. Болалигимни кўп эслайман. Болалигим ёмон ўтган демайман аммо, ўша беғубор дамларимда рўй берган фожиа мени анча ўзгартириб юборган. Ёшимга нисбатан анча жиддий бўлиб қолганман.

- **Агар сир бўлмаса шу ҳақда гапириб беринг, нима бўлганди?**

- Ҳамма қатори шод, бахтиёр кунларимдан бирида сеvimли акамдан ажралиб қолдим. У ўртоқлари билан бирга ўйнаб юрганида Катта Фарғона каналига итариб юборишганди. У эса сузишни билмас эди. Ушанда 5-6 ёшларда эдим, шеклли. Анвар деган ўша акамни яхши кўрардим. Кўпинча у мени опичлаб юрарди. Болалиқнинг бу мудҳиш шўхлигидан кейин анчагача кўчага чиқмаганман. Биров акам ҳақида гапирса йўғлаб юборардим. Кейин эса ёлғизликни ёқтира бошладим. Қишлоғимиздаги қир-адир, далаларда бир ўзим молларимни боқиб юрганман.

- **Лекин, сиз ҳозир ўзингизни кўпчиликсиз тасаввур қила олмасангиз керак. Саҳнада эркин юрасиз. Яна спортчи эканлигингиз саҳнадаги ҳаракатларингиздан ҳам сезилиб туради.**

- Тақдир экан-да. Аввалига сиёсатчи бўлсаммикан, деб ўйладим. Кейин Маннон Уйғур номидидаги Театр ва рассомчилик санъати институтининг кўгирчоқ театри актёрлиги факультетига ўқишга кирдим. Спорт билан шугулланишим эса... Мен ўзим болалиқда ҳис этган ожизликни энгишга интилиш эди.



Оиламиз меҳмони

миз. Фақат исътедодимизгагина ишонамиз. Кўпчилик режиссёрлар буни ўзимизга ҳавола этишади. Эплаймиз-да, осон бўлмаса ҳам. Чунки одамлар саҳнадаги ҳар бир ҳаракатимизни диққат билан кузатишади. Сал нарсага уларнинг кўнглини қолдириш эса ҳеч гап эмас. Шунинг учун режиссёрлар сўз усталари деймизми, қизичқилар деймизми, бизга ҳам бирор имкониятларни яратиб беришса, бирга дастурлар тузиб ишласак яхши бўларди.

- **Анджонлик Адҳам ака билан Умирчахон аянинг етти фарзандларингиз тўртинчи фарзанди экансиз...**

- Буни қарангки қайнотам Эркин Комиловнинг ҳам тўртинчи куёби-ман. Қайнотам иродаси кучли, кези келганда у ҳам сўзга усталликда биздан қолишмайдиган шинаванда инсон. Саҳнани муқаддас билади, севади. Шу фазилатлари учун уни ҳурмат қиламан.

- **Санъаткорларга бериладиган савол: Тўйларга бориб турасизми?**

- Санъаткор борки ҳар куни тўй бўлишини истайди. Ҳаммани тўйга

менга аудио кассетасини совға қилганди. Сизнинг ҳам овозингиз баъзи бир хонандаларнинг овозига қараганда анча ширали...

- Ашула айтиш ҳеч гап бўлмай қолган ҳозирги пайтда бир уринсам бўлардию, лекин бу ҳақда сира ўйлаб кўрмаган эканман-да. Балки айтарман.

- **Келин-куёв шоусида рафиқангиз Дилфузахон билан ҳиндча қуйлаб рақсга тушишни жуда маромига етказдинглар. Шундан кейин кўпчиликда Валижоннинг рафиқаси ҳам актриса эмасмикан, деган савол туғилди.**

- Омадли инсонман. Йигит кишига энг олий бахт аввало оиласида насиб этсин экан. Мен Дилфузадек ажойиб қизга уйландим. Бахтлимиз. У пазанда, озода, болаларимга ва менга меҳрибон аёл. Биласиз,

бизнинг иш вақтимизга чегара йўқ. Эрта кетиб, кеч келсам-да у туннинг ярмида ҳам куёвдек кулиб мени кутиб олади. Оиласида бахт насиб этган инсонга, қолгани ўз-ўзидан келаверади. Рафиқангиз фарзандларимиз Муштарийбону ва Шамсиддинларнинг тарбияси билан банд.

- **“Оила ва жамият”ни ўқийсизларми?**

- Бўлмасам-чи! Агар чоршанба кунини уйимизга бу газета кириб келмаса иш чатоқ бўлади. Мен ишдан келиб овқатланиб бўлгунимча Дилфузахон ёнимда ўтириб газетани ўқиб туради. Ёки ундаги босилган мақолаларни шарҳлаб беради. Мақтанми эмасу уйимизда бу газетанинг уч йиллик тахлами бор.

- **Жуда хурсанд қилдингиз, Валижон! Сизга тахририятимиз номидан янада тўқис бахту саодат, янги ижодий ютуқлар тилаймиз. Бу дунёда мана шундай севиб-севилиб яшанг. Мартабангиз янада улуг бўлиб, элимизнинг ардоқли санъаткори бўлиб юринг.**

Басира САЙИДАЛИЕВА
суҳбатлашди

<p>Оила ва жамият</p> <p>Муаллиф фикри тахририят нуқтан назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.</p> <p>Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.</p>	<p>БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА</p> <p>Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20 Табриқлар, эълонлар: 133-04-50</p> <p>МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.</p> <p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турун кўчаси, 41-уй. Босишга толшириш вақти - 20.00 Босишга толширилди</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси</p> <p>ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176</p> <p>Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳафми 2 босма тобоқ. Баҳоси эркин нарҳда. Адади - 30 000 Саҳифаловчи - Жаъфар ЖАББОРОВ. Рассом - Набижон ХОЛМУРОДОВ. Навбатчи - М. СОДИҚОВ.</p>
--	--	---